БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 226

24 ДЕКАБРЬ ЖУМА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг инглиз олими ва жамоат арбоби Жон Бернал блан суҳбати (1-нчи бет).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ. **Узбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг составини тасдиқлаш тўғрисида** (1-нчи бет).

Совет ёзучиларининг Бутуниттифоқ иккинчи с'езди (2-нчи бет).

СССР Олий судида (2-нчи бет).

УЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. **Т. Эрназаров.** — Узбекистонда матбуотнинг ривожланиши (2-нчи бет).

Пахтачиликда янги, прогрессив методларни кенг қўлланайлик! Я. П — Муттасил юқори ҳосил етиштириш учун. **Е. Вешиков.** — Чигитни янги усулда экиш қоидасига тўла риоя қиламиз. **Б. Халилов.** — Қўчқорбойака тан берди (3-нчи бет).

Франция Миллат мажлисида (4-нчи бет).

Англия умум палатасида (4-нчи бет).

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ. **М. Собитова.** — Покистон пахтакорларининг аҳволи (4-нчи бет).

Идеология ишининг энг муҳим соҳаси

Коммунизмнинг нурли чўққилари сари олга бораётган қаҳрамон совет халқи 1954 хўжалик йилини мислсиз катта муваффақиятлар блан якунламоқда. Совет кишилари бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бутун куч ва билимларини сарфламоқдалар. Социалистик халқ хўжалигимизнинг барча тармоқларида коммунизм қуручиларининг илҳомбахш ижодий меҳнати қайнамоқда. СССР Конституциясининг порлоқ қуёши остида бахтли ва фаровон ҳаёт кечираётган совет хотин-қизлари мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш учун олиб борилаётган бу курашда актив қатнашмоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси хотин-қизларни қуллиқдан, азоб-уқубатлардан абадий қутқарди. Коммунистик партия, Совет ҳукумати мамлакатимиздаги барча хотин-қизларни, шу жумладан ўзбек хотин-қизларини шонли меҳнат ва ижодий ҳаётнинг кенг ва ёруғ йўлига олиб чиқилар, уларга ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида актив қатнашиш, илм, фан ва маданиятдан баҳраманд бўлиш имкониятини яратиб берилар.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифалари ижтимоий ишлабчиқаришда жамиятнинг ярмини ташкил этган хотин-қизларнинг роли тобора кўпроқ ошираборишни талаб этади. Хотин-қизларни ижтимоий ишлабчиқариш меҳнатига ва жамоат ишларига янада кўпроқ тортишни та'минлаш, уларнинг сиёсий ва маданий савиясини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш, хотин-қизларни социалистик Ватанга чексиз садоқат руҳида, ҳуқуқлик ва самимий ўртоқлик руҳида тарбиялаш—партия, совет ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Фақат шу асосдагина энг яхши хотин-қиз ишчиларни, колхозчиларни ва интеллигентларни раҳбар партия, совет ва хўжалик ишларига кўтариш учун мавжуд резерв вужудга келтириш мумкин.

Бу жиҳатдан Янгийўл шаҳар партия комитетининг иши диққатга сазовордир. Шаҳар партия комитети хотин-қизлар советларининг ранглари блан системали равишда семинар ўтказиб туради, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, кундалик амалий ишларига яқиндан ёрдам беради. Хотин-қизлар Советлари хотин-қизларнинг сиёсий, маданий ва техника савиясини ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш, улар ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларини яхши йўлга қўйиш ҳақида доимо ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар. Шаҳар партия комитети амалий ишда синалган, етарли тайёргарлиги бўлган, жамоатчи актив хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига ҳалоллик блан кўтариб, жуда тўғри иш қилмоқда.

Броқ, областимизнинг ҳамма партия, совет ташкилотларида ҳам хотин-қизлар ўртасида ишлаш масаласига ана шундай аҳамият берилмоқда, деб айтиб бўлмайди. Ба'зибир район партия, совет ташкилотлари хотин-қизлар ўртасида олиб борилиши лозим бўлган сиёсий-тарбиявий ва идеологик ишларнинг бўшашиб кетишига йўл қўймоқдалар, хотин-қизларни актив ижтимоий-сиёсий ҳаётга тортишнинг жуда муҳимлигига етарли баҳо бермаётирлар, хотин-қиз активларни тарбиялаш блан қониқарсиз шуғулланмоқдалар. Бунинг натижасида хотин-қизларнинг, айниқса қишлоқлардаги хотин-қизларнинг анчагина қисми эски урф-одатлар ва диний хурофот та'сири остида қолмоқда.

Айрим район партия ташкилотлари хотин-қиз ишчиларни, колхозчиларни ва интеллигентларни раҳбарлик ишларига кўтариш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар. Бунга мисол қилиб Беқобод район партия комитетини кўрсатиш мумкин. Район партия комитети хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларни пастдан юқорига кўтариш масаласига э'тиборсизлик блан қарамоқда. Райондаги колхозларнинг раҳбарлик ишларига хотин-қизлардан биронта кишининг бўлмаганлигини, ўтган йилдагига қараганда бу йил хотин-қиз бригада ва звено бошлиқларининг сони анчагина жамайиб кетганлигини қандай баҳолаш мумкин. Райондаги меҳнаткаш хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар ниҳоятда бўшаштириб юборилган, лекция, суҳбат ва докладлар ўтказиб турилмайди. Айрим колхозларда хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш ҳоллари ҳали ҳам тугатилмаган.

Оҳангарон район партия комитети хотин-қизларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, миллий хотин-қиз кадрларни ўстириш ва раҳбарлик ишларига кўтариш ишлари блан қониқарсиз шуғулланмоқда. Район партия комитетининг секретарлари Зияев ва Дрягин ўртоқлар хотин-қизлар ўртасида ишлаш масаласига иккинчи даражали иш деб қарамоқдалар.

Шуни доимо эсда тутиш керакки, хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий иш олиб бориш—идеология ишининг энг муҳим соҳаси ҳисобланади, идеология масалаларига етарли баҳо бермаслик эса партия ва давлат манфаатларига жуда катта зарар келтириши мумкин. Маҳаллий партия ташкилотлари буни ҳисобга олиб, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларнинг савиясини янада юқори даражага кўтаришлари, корхона, муассаса, колхоз совхоз ва МТСлардаги хотин-қизлар советларининг ишларини тубдан яхшилашлари, уларга амалий ёрдам беришлари керак.

Хотин-қизларни жамоат-ишлабчиқариш ишларига янада кўпроқ жалб қилиш, уларни раҳбарлик ишларига далиллик блан кўтариш, қунт ва зўр э'тибор блан тарбиялаш—партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Хотин-қизлар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилашга қаратилган принципиал масалаларни бюро мажлисларида тез-тез муҳокама қилиб ташиш, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш қайфиятларига карши шафқатсиз кураш олиб бориш зарур.

Партиянинг идеология соҳасидаги иши кишиларнинг онгини капитализм қарқитларидан, эски жамиятдан қолган хурофотлар ва зararли урф-одатлардан тозалашда муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари идеология ишларининг савиясини бўшаштирмаслан янада кучайтиришлари, хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳартарафлама яхшилашлари, эски хурофотлар ва бошқа диний урф-одатларни тугатишда илмий-атеистик пропагандадан, матбуот, радио, кино, бадиий адабиёт ва сан'атдан кенг фойдаланишлари керак. Маданий-оқартув муассасалари, клублар, маданият уйлари, ўқишхона ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишларини яхши йўлга қўйиш, хотин-қизларга маданий ва маиший хизматни кучайтириш лозим.

Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳартарафлама кучайтирайлик, мамлакатимизда коммунизмнинг актив қуручилари бўлган совет хотин-қизларини бешинчи бешйиллик планнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар этайлик!

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ

инглиз олими ва жамоат арбоби Жон Бернал блан суҳбати

Ўртоқ Н. С. Хрушчев 1954 йил 25 сентябрьда инглиз олими ва жамоат арбоби, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофоти лауреати, профессор Жон Бернални қабул қилган эди.

Профессор Бернал яқинда «Таймс» газетасида ўртоқ Н. С. Хрушчев блан қилган суҳбати ҳақидаги ёзувдан парчалар э'лон қилди. Қуйида ана шу суҳбат ҳақидаги ёзувнинг тўла тексти босилади.

Савол. Совет Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янги сиёсати четелларда кўпгина ҳархил овозларга сабаб бўлди. Бу сиёсат кўпинча, қишлоқ хўжалигидаги янги кризисни ва коллективлаштириш системасининг барбод бўлганлигини акс этдиради, деб кўрсатилмоқда. Қишлоқ хўжалигига берилаётган катта э'тибор, кўпгина янги қарорлар ва ҳатто, Қишлоқ хўжалиги виставкасининг ўзи ҳам ана шу нуктаий назарни тасдиқловчи далил сифатида келтирилади. Жумладан, Сибирьда ва Қозоғистонда янги ерларнинг дарҳол ишланганлиги аҳволнинг жиддий эканлигини кўрсатучи далил, деб қаралмоқда. Шу сабабдан, мен, янги йўл учун кўпроқ жавобгар бўлган Сиздан бу масалада амал қилинган асосий сиёсий мулоҳазаларни тушунтириб беришингизни истар эдим.

Жавоб. КПСС Марказий Комитетининг СССРда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган Пленумлари тўғрисида матбуотда босилган материалларни ўқиган бўлсангиз керак албатта. Бу қарорлар четелларда кўп фикрлар баён қилинишига сабаб бўлди. Совет Иттифоқининг душманлари қишлоқ хўжалити соҳасида бўлган камчиликлар ҳақидаги танқидимиздан ўз мақсадларида фойдаланишга, бу танқидга ўзларича ма'но беришга уринмоқдалар.

Дарҳақиқат, биз қишлоқ хўжалигидаги камчиликларимизни қаттиқ танқид қиламиз. Аммо, биз, қандайдир ғайри табиий афсусланиш туйғуси бўлгани учун ўзўзимизни койиш блан шуғулланаётганимиз йўқ. Биз қишлоқ хўжалигидаги камчиликларимизни шунинг учун ўткир танқид қиламизки, бу ўткир танқид барча ҳолларимизнинг янада яхшироқ ишлаш ва камчиликларни тезроқ йўқотиш учун заиф томонларимизни чуқур тушуниб билиб олишларига ёрдам беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатни индустриялаш соҳасида эришилган муваффақиятларга таяниб, икки-уч йил ичида халқ исте'моли моллари ишлаб чиқаришни кескин суратда юксалтиришга эришиш вазифасини қўйди. Шу нарса аёнки, халқ исте'моли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалигини янада тез сур'атлар блан ривожлантириш ва айниқса дон етиштиришни кескин суратда ошириш лозим.

Четелларда И. В. Сталиннинг партия XVIII с'езида ва Г. М. Маленковнинг партия XIX с'езида мамлакатимизда ғалла проблемаси ҳал этилди, деб қилган баёнотлари блан КПСС Марказий Комитети сўнгги Пленумларининг қарорлари ўртасида ғўё қарама-қаршилик бўлиши тўғрисида кўп гаплар бўлди. КПСС Марказий Комитети сўнгги Пленумларининг қарорларида дон етиштиришни кўпайтириш ва қўриқ ерларда дон экинлари майдонларини кенгайтириш зарурлиги кўрсатилган. Бунда аслини олганда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ. И. В. Сталин ва Г. М. Маленков бизда аҳолини ғалла блан та'минлаш учун етарли миқдорда дон бор, деб айтганларида, тамомила ҳақли эдилар. Бизнинг мамлакатимиз ўзининг ғаллага бўлган эҳтиёжларини та'минлаб келди. Бизда ҳозирги вақтда ҳам ғалла етарлидир ва зарур резервлар ҳам бор. Аммо, киши фақат нон блангина яшамайди. Кишининг бошқа эҳтиёжлари дон етиштиришни кўпайтиришни билвосита талаб этади.

Совет Иттифоқининг ривожланиши, мамлакат экономикасининг мустаҳкамланиши ва шу асосда меҳнаткашлар моддий аҳволининг яхшиланиши кейинги бирнеча йил ичида илгари бизда кўп бўлмаган ҳаркандай молларга талабни ғоят ошириб юборди. Бизда ҳар йили молларнинг нархлари камайтирилмоқда, ишчилар ва хизматчиларнинг реал ишқаки ошмоқда, аҳолининг харидорлик қобилияти ортиб бормоқда. Шу нарса равшанки, бунда сифати пастроқ бўлган молларга талаб камаяборади ва, аксинча, юқори сифатли молларга бўлган талаб кўп даража ортаборади. Тўбора кўпроқ кишилар магазинларда танқис молларни талаб этмоқдалар. Урушдан кейин, нархлар баланс бўлган чоқда, аҳолини халқ исте'моли моллари блан та'минлаш қаноатланарли бўлиб кўринган эди. Бирқанча йиллар мобайнида нархлар анча камайтирилганлиги сабабли, эндиликда айрим молларнинг бирмунча етишмаётгани, ана шу хилдаги молларнинг ҳаммасини ишлаб чиқариш ҳақиқатан кўп даража ўсган бўлса ҳам, айрим молларнинг бирмунча етишмаётганлиги сезилмоқда. Аҳолининг кенг доиралари яхши сифатли моллар бўлишини талаб қилмоқда. Бизнинг вазифамиз — ана шу талабни қондиришдан иборат.

Капитализм шароитида шундай аҳвол рўй берганида, я'ни молларга талаб ортиб, бу талаб таклифдан ошиб кетганда, фойда олиш учун жуда катта имкониятлар вужудга келган бўлар эди. Аммо, бизда аҳвол бундай эмас. Социалистик йўл — ишлабчиқаришни ривожлантиришдан ва нархларни камайтириш сиёсатини давом эттиришдан иборат. Биз, доннинг ғўё етишмаслиги каби ҳолни ана шу нуктаий назардан қараб чиқишимиз керак. Бунда кризис ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Биздаги аҳвол ёмон бўлмай, балки ҳарқачонгидан кўра яхшироқдир. Гап шундаки, тараққиётимизнинг анча юксак босқичида халқ исте'моли молларига бўлган эҳтиёж анча ортади.

Бизнинг партиямиз халқ исте'моли буюмларини ишлаб чиқаришни ҳартомонлама кенгайтириш ва меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларини максимал даражада қондириш сиёсатини изчиллик ва собот блан амалга ошириб келмоқда. Мол ишлаб чиқариш даражасини кўтариш учун дон етиштириш даражасини ошириш керак, чунки дон даражасида бошқа ҳамма озиқ-овқат маҳсулотларининг асоси, ҳатто, кенг исте'мол қилинадиган кўп молларни ишлаб чиқаришнинг асосидир. Кўпроқ дон олиш учун Қозоғистон ва Сибирьдаги қўриқ ерлардан, я'ни дон экинлари етиштириш учун яроқли бўлган кенг ва маҳсулдор текисликлардан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Янги ерлар бизга энг арзон дон беради. Қўриқ ерлари ўзлаштирилаётган жойлар кўп миля масофада ҳеч нарса блан тўсилмаган текисликлардан иборат. Ер ҳайдовчи нонштадан кейин эгат олабошлайди, бурилишга келганида тушки овқатини ейди ва кечки овқатга қайтиб келади, деб ортиқча муболаға қилмай гапирадилар. Бу ерларда доннинг таннархи жуда оздир. Шу сабабдан, ана шу районларда дон етиштириш биз учун фойдалидир.

Бу вазифа икки йилдан кейин ҳал этилади. Биз даставвал, 13 миллион гектар қўриқ ерни очишни планлаштирган эдик. Бу план муваффақиятли суратда бажарилмоқда: 1954 йилда 3,5 миллион гектардан ортиқ қўриқ ерга дон экилди, келгуси йилда ҳосил олиш учун жам'и 17 миллион гектардан ортиқ қўриқ ер ҳайдаб қўйилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети дастлабки планларни қайтадан кўриб чиқилар ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб, 1956 йилда қўриқ ерларда дон экилаиган майдонларни 28—30 миллион гектарга етказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Агар ҳар гектар ердан лоақал 10 центнердан ҳосил олинганида ҳам, бу, тахминан 300 миллион центнер бўлади, ёки бир миллиард 800 миллион пуд дон бўлади, демакдир. Бу, минимум рақамдир, чунки ана шу ерларда олиналиган ҳосил кўпинча бу рақамдан уч баравар ортиқ бўлади.

Бизнинг мамлакатимиз қўриқ ерларни ўзлаштириб, аҳолининг барча эҳтиёжларини қоплаш учун, шунингдек чорвачиликни ривожлантириш учун, экспорт қилиш ва зарур резервларни вужудга келтириш учун талаб этилган миқдорда ғалла олади. Биз, ҳуқуқ мамлакатларга, масалан, ўз ерларида етарли миқдорда дон етиштираолмайдиган Чехословакияга ва Германия Демократик Республикасига, ҳосил унмаган йилларда ўз эҳтиёжларини тўла қондираолмайдиган Руминияга, Венгрияга ва Болгарияга кўпроқ ёрдам бераоламиз.

Биз, дон етиштиришни кўпайтириб, ундан чорва молларни боқиш учун ҳам кўпроқ миқдорда фойдаланаоламиз. Бу эса, чўчқаларнинг ва бошқа молларнинг сонини кўпайтириш, молларни яхши боқиш, я'ни донни гўштга айлантириш имконини берали. Украинларда: «Чўчқа қазисидан ҳам ширинроқ парранда йўқ» деган мақол бор. Биз, дон етиштиришни кўпайтириб, шундай «парранда»ларга кўпроқ эга бўлишни истаймиз. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши чорва моллар учун ем-хашакни дарҳол кўпроқ етиштиришимизга ёрдам беради. Биз, ем-хашак экинларини етиштириш учун кўпроқ ерни бўшатиб бераоламиз. Бу чора сут берадиган чорва моллар маҳсулдорлигини ошириш, қўйлар сонини кўпайтириш ва кўпроқ жун тайёрлаш имконини туғдиради.

Бундан ташқари, қўриқ ерларда дон етиштиришни кўпайтириш мамлакатнинг дон етиштириш блан банд бўлган бошқа районларидаги ерларнинг бир қисмини мазкур районларда бошқа муҳим экинларни ўстириш учун бўшатиб бериш имконини туғдиради.

Ҳозирги вақтда биз, юқорида шу тўғрида айтиб ўтганимдек, ғалладан ташқари бошқа кўпгина маҳсулотларга муҳтожмиз. Биз бу маҳсулотларни шу вақтгача ўзлаштирилган районларда бошқа экин майдонларини кўпайтириш ҳисобига олабиламиз.

Мисол учун қандни олиб кўрингиз. Бизга кўпроқ қанд керак, ва биз, Украинада мавжуд лавлаги майдонига қўшимча равишда 300.000 гектарга яқин ерга қанд лавлаги экиш йўли блан қанд олабиламиз. Кўпроқ сув ва кўпроқ э'тибор талаб этадиган пахта, сабзавот ва бошқа экинлар масаласида ҳам аҳвол шундай. Эндиликда аҳолиси кўпроқ районларда дон экинлари майдонини бирмунча қисқартиш йўли блан техника экинлари майдонини кенгайтириш мумкин.

Шундай қилиб, вазифа — мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари блан та'минлашни яхшилаш учун янги дон ресурсларидан фойдаланишдан иборат.

Сиз модомики, ана шу бойликларнинг ҳаммаси, я'ни қўриқ ердар доим ўз остонангиз ёнида қолиб келган экан, улар тўғрисида илгари нима учун ўйлаб кўрмалингиз? деб савол беришингиз мумкин, албатта. Халқ булар тўғрисида кўпданоқ, революциядан илгариги эски даврдаёқ ўйлаб келган эди. Ҳатто, подшолар ҳам ана шу жуда соз ерлардан фойдаланишни тахмин қилган эдилар. Аммо, бунга куч етмаган эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки ўнйилликлари даврида, я'ни бизда етарли даражада ривожланган қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳали бўлмаган бир пайтда ҳам бу ишни бажаришга куч етмаган эди. Икки йил мобайнида ҳайдаб экин экиладиган янги ер майдони Украинадаги бутун экин майдонига баравар бўлади ва Украинада дон экинлари экилаётган майдонлардан бир ярим баравар ортиқ бўлади. Бу ерларни ўзлаштириш учун неча ўн миллионлаб деҳқонларнинг меҳнати талаб этилар эди, аммо, уларни топиш иложи йўқ эди.

Социалистик индустрия ўсган, совет машинасозлиги ўзининг ҳозирги ҳажмига эришган ҳозирги пайтдагина анча кам кишилар ёрдами блан ана шундай кенг ерларни ўзлаштириш мумкин бўлиб қолди. 1954 йилда қўриқ ерларни ўзлаштириш учун 120 минг трактор (15 от кучли трактор ҳисобида) 10 минг комбайн ва кўп миқдорда бошқа хил техника юборилади. Шуни айтиш керакки, бу машиналар қишлоқ хўжалик машинасозлигининг программасини оширмай туриб ажратиб берилди. Ана шу план тўғрисида қарорлар қабул қилинган пайтда биз кўнгилларга мурожаат қилдик; қўриқ ерларни ўзлаштириш учун бирнеча ўн минг киши керак эди, лекин партиянинг чақиригига жавобан энг бошдоқ биз фойдаланишимиз мумкин бўлганидан кўра анча кўпроқ киши келди. Машиналар ва одамлар мавжуд бўлганида, ҳоҳлаганимизча шунча дон олишимизга ҳеч нарса халақит бераолмайди.

Биз, яхши ўзлаштирилган территорияларимизни ҳам эсдан чиқармадик. Сиз Қишлоқ хўжалик виставкасини кўрингиз, бу виставка кўнгил очиш учун очилган эмас. Биз бу виставкада ҳарбир областьдаги энг яхши колхозларнинг ютуқларини кўрсатамиз. Деҳқонлар буерга келиб, ана шу ютуқлар блан танишадилар ва улар ҳам шундай натижаларга эришаолажакларини тушунабошлайдилар. Бизнинг вазифамиз — социалистик қишлоқ хўжалигининг бузилмас асоси бўлган колхозларни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашдан иборат. Биз, оддий колхозларни анг илгор колхозлар даражасига кўтаришни истаймиз. Виставка чиқаким халқ университетидир.

Савол. Виставканинг хусусиятларидан бири шуки, унда қишлоқ электростанцияларини ривожлантиришга катта э'тибор берилади. Бу станциялар унча катта эмас ва, менинг фикримча, уларнинг фойдаси кам, чунки бу электростанциялар ишлаб чиқарадиган энергия ҳозирги вақтда Сизлар қураётган кучли электростанциялардан олинадиган энергиядан кўра қимматга тушади. Хўш, Сизлар нима учун бундай қилмоқдасиз?

Жавоб. Майда электростанцияларнинг энергияси йирик станцияларнинг энергиясидан анча қимматга тушади, деган фикрингиз жуда тўғри. Лекин, шунга қарамай, майда электростанциялар қуриш колхозларга фойдалиир. Бизда урушдан кейинги йилларда электростанциялар кўп қурилаётганига қарамай электр энергияси етишмаётганлигини э'тиборга олиш керак. Йирик электростанциялар бераётган энергиянинг деярлик ҳаммаси саноатга сарф қилинмоқда. Равшанки, саноатнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжларини биринчи галла қондириш лозим. Шу сабабдан, қишлоқ хўжалиги йирик электростанциялардан ҳали камроқ энергия олмоқда.

Колхозлар кичик станцияларни қурмоқдалар, чунки бундай станцияларнинг энергияси қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган оддий двигательлардан олинадиган энергияга қараганда ҳарҳолда арзондир. Колхозлар гарчи кичик электростанциялар қурсалар ҳам, бу блан қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаш даражасини оширмоқдалар, энергиядан маиший эҳтиёжлар учунгина эмас, балки, хусусан электр энергияси блан ишлайдиган қишлоқ хўжалик техникасини қўлланиш учун ҳам фойдаланмоқдалар. Демак, қуввати кам электростанциялар қуриш яхши натижа бермоқда, чунки улар колхозларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондирмоқдалар.

Келгусида мамлакатни электрлаштиришнинг ўсиши блан йирик электростанциялар қишлоқ хўжалиги учун кўпроқ энергия берадилар ва бу ҳозирдаёқ бошланмоқда.

Савол. Янги ерларни ўзлаштиришга берилаётган э'тибор табиий, шундай саволни туғдиради: бу чора Иттифоқнинг шарқи-жанубий районларида қурғоқчиликка қарши қурашнга мўлжалланган катта ирригация ишлари ва бошқа проектларнинг тугатилишини ёки, лоақал, қисқартирилишини кўрсатмайдими. Эндиликда Европани ривожлантиришга қараганда Осиёни ривожлантиришга кўпроқ э'тибор берилаётганга ўхшайди. Бу чора нечолик тўғри ва бунинг сабаблари нима?

Жавоб. Бу, тамомила ҳақли саволдир, аммо, бу саволга оддий жавоб бор. Биз, мамлакатнинг у ёки бу районини ривожлантиришнигина эмас, балки умуман Совет Иттифоқини ҳозирги эҳтиёжларимизга ва бизда мавжуд бўлган ресурсларга қараб ривожлантиришни ҳам кўзда тутамиз. Масалан, биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни истаймиз. Бу чорани ишланалиган мавжуд майдонлардан интенсивроқ фойдаланиш йўли блан ҳам, янги ерларни ўзлаштириш йўли блан амалга ошириш мумкин. Биз, барча экин майдонларида олинадиган ҳосилни ошириш учун мумкин бўлган ҳамма чорани кўрмоқдамиз. Ҳосилни кескин суратда ошириш учун бизга кўп миқдорда ўғит керак, бунинг учун эса, кўпгина янги заводларни қуриш зарур. Бу ларнинг ҳаммаси фурсатни талаб этади, биз эса, кутиб ўтираолмаймиз. Ҳозирги вақтда, мен юқорида айтиб ўтганимдек, янги ерлардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан жуда кўп фойда келтиради. Янги ерларни ўзлаштириш — дон етиштиришни тезликда кўпайтиришнинг энг яхши воситасидир. Аммо, биз экин майдонларини кенгайтирибгина қолмай, балки қишлоқ хўжалик ишларини интенсивроқ олиб боришга ҳам эришамиз.

Бундан, ирригация ишларини тугатамиз ёки қисқартамиз деган ма'но келиб чиқадими? Асло келиб чиқмайди. Ирригация ишлари муҳим экинларни — сабзавот, пахта узум етиштириш учун энг фойдали бўлган жойларда ўтказилади ва ўтказилмоқда. Аммо биз, асосий э'тиборни ҳозирча бунга қаратаётганимиз йўқ.

Биз, ҳозирча ўз кучимизни энг кўп ҳосил олинаётган ерларга тўплашимиз керак. Бунда иқтисодий манфаатлар ва имкониятлар кўзда тутилади. Ҳозирги кунда янги тракторни қаерга юбориш биз учун яхшироқ бўлади? Бу тракторни кунига 10 гектар ҳайдай оладиган эски ерларга юбориш яхшироқми ёки бирнеча баравар кўпроқ ер ҳайдай оладиган ва бу ерларда қўшимча равишда кўпроқ дон олиш мумкин бўлган жойларга юбориш яхшироқми?

Четелларда, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янги тадбирлар бутун совет иқтисодий сиёсатининг тубдан ўзгарганлигини кўрсатади, деб гапираётганларини биламан. Бундай да'волар ҳақиқатга тўғри келмайди. Биз, саноатни ривожлантиришга э'тиборни камайтираётганимиз йўқ, саноатни қишлоқ хўжалигига қурбон қилаётганимиз йўқ. Саноатнинг барча тармоқлари бундан буён ҳам белгиланган планга мувофиқ ривожланаборади. Шу блан бирга, асосий э'тибор бундан буён ҳам оғир саноатни ривожлантиришга қаратилади. Бу йил ва келгуси, 1955 йилда заводларда ишлаб чиқарилаётган гусеничний тракторлар, плуглар, сеялкалар ва бошқа ба'зи қишлоқ хўжалик машиналари асосан янги ерларга юборилади. Бинобарин, бу йил ва келгуси йилда илгаритдан ишланиб келаётган ерларда гусеничний тракторлар миқдори кўпайтирилмайди, бу ерларга чопиқ тракторлари, культиваторлар ва тупроқни ишлаш учун керакли бошқа асбоблар, шунингдек ана шу жойлардаги мавжуд тракторларга запас қисмлар юборилади. Ана шу вақт ичида мамлакатда етиштириладиган дон ортади ва биз, ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик машиналарини бир текисроқ тақсимлаш йўлига қайтаоламиз.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг составини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиуми «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»нинг 36-нчи ва 37-нчи моддаларига асосан **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясининг состави меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари ва жамиятларининг қуйидаги вакилларидан иборат **тасдиқлансин:**

Марказий сайлов комиссиясининг раиси **Собир Юнусович Юнусов**—маданият ходимлари касаба союзидан.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **Саодат Холифаева** — Ўзбекистон касаба союзлари Советидан.

Марказий сайлов комиссиясининг секретари—**Александр Степанович Абдалин**—маданият ходимлари касаба союзидан.

Марказий сайлов комиссиясининг а'золари:

Мўттихон Жумабоева — Андижон область, Марҳамат районидаги Свердлов номли колхоз а'золаридан.

Утеген Саппоров — Қорақалпоғистон Коммунистик партия ташкилотидан.

Қаюм Муртазаев — Ўзбекистон Ленинчи Коммунист ёшлар Союзидан.

Зуҳра Мирҳошимова — Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Абдумалик Ғуломович Ғуломов — Медицина ходимлари касаба союзидан.

Назира Йўлдошева — Тошкент область, Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхози а'золаридан.

Павел Семенович Курбаткин — Ленин номидаги Тошкент пиёда аскарлар мактабининг ҳарбий хизматчиларидан.

Петр Иванович Чуров — Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчи ва хизматчилари касаба союзидан.

Саломат Ҳусанова—Наманган область, Тўрақўрғон районидаги «Сталинград» колхози а'золаридан.

Жониқул Юсупов — Самарқанд область, Пастдарғом районидаги Чкалов номли колхоз а'золаридан.

Яков Афанасьевич Колевайко — Тошкент Каганович номли заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Николай Иванович Квардаков — Машинасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1954 йил, 22 декабрь.
Тошкент шаҳри.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

УРТОҚ У. Ю. ЮСУПОВНИ УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Усмон Юсупович **Юсупов** Узбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси вазифасидан озод қилинсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1954 йил, 22 декабрь. Тошкент шаҳри.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Н. А. МУҲИТДИНОВНИ УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Нуритдин Акрамович **Муҳитдинов** Узбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1954 йил, 22 декабрь. Тошкент шаҳри.

СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ИККИНЧИ С'ЕЗДИ

С'езднинг 20 декабрьдаги кечки мажлисида **Мирзо Турсунзода** раислик қилди.

Совет адабий танқидчилигининг асосий проблемалари тўғрисида **Б. Рюриков** қўшимча доклад қилди. У танқидчиликнинг аҳволи ва вазифаларини тавсифлаб берди, унинг жиддий равишда кейинда қолаётганлигига нималар сабаб бўлаётганлигини анализ қилиб ўтди.

Адабиётимизнинг ғоявий негизлари учун, унинг реалистик чуқурлиги ва ҳақиқатчил бўлиши учун, юксак бадиий маҳорат учун курашда адабий танқидчилик ва адабиётшуносликка олдида турган вазифалар ғоят катталдир. Бизнинг адабиётимиз гуманизм, тинчлик, демократия идеяларини бутун дун'ёга ёйиб, ваҳшийлик ва индивидуализмни ёки «америкача яшаш усулини» тарғиб қилаётган адабиётга қарама-қарши бўлиб турибди.

Кейинги йигирма йил мобайнида, — деди у, — совет адабиётшунослигининг илмий савияси кўтарилди ва у, ёт концепциялар ҳамла қарашларни енгиб чиқди. Докладчи қардош адабиётлар тарихига ва Ватанимизнинг ҳамда жаҳон адабиётининг айрим классикларига бағишланган адабиётшуносликка асарларини айтиб ўтди. Шу билан бирликда у СССР Фанлар Академияси Жаҳон адабиёти институтини танқид қилиб, бу институт совет адабиёти тарихи устида қарийб 20 йилдан бери ишлаб келаётган бўлса ҳам, лекин шу вақтгача бу асарни битказиб чиқармаганлигини айтиб ўтди. Адабиётшуносликка доир бирданча асарларда ҳали ҳам эмпиризм кўп, умумлаштирувчи фикрлар ғоят кам бўлгани ҳолда, тафсилотларга жуда кўп ўрин берилмоқда.

Докладчи адабиётшуносликдаги камчиликлар мактаб дарсликларига ва программаларига ҳам кўнгилгинини кўрсатиб ўтди. Адабиёт образлар дун'ёси, нўзаллик олами эканлигини унутиб қўйиб, шу вақтгача адабиётни тарихнинг иллюстрацияси сифатида ўқитилиб келинмоқда. Дарсликларда кўпинча «бадиий спецификага» бағишланган қисқача ва юзаки анализ энг охирда, қўшимча тариқасида берилади.

Эстетикага доир программа йўқ, дарслик йўқ ва ҳатто сан'ат философияси масалаларига доир мақолалар тўплами ҳам йўқ. СССР Фанлар Академиясининг Философия ва Жаҳон адабиёти институтлари шу проблемаларни ишлаб чиқишда бўшанглик қилмоқдалар, мақсадга мувофиқ иш олиб бормаётирлар.

Сатира масаласи, конфликт масаласи, ижобий қаҳрамон масаласи, типиклаштириш принциплари масаласи, трагедия ва комедияга доир масалалар, сан'атнинг методи ва услуби масаласи сингари сан'ат учун ғоят муҳим ҳаётий масалалар чуқур ишлаб чиқилгани йўқ.

Партия Марказий Комитетининг идеология масалаларига доир тарихий ҳужжатларида, — деб давом қилади ўртоқ Рюриков, — ғоясизлик, сан'атни халқдан ажратиб қўйиш тенденциялари фош қилиб ташланди. Бизнинг орамизда шундай кишилар ҳам бўлики, улар, душман тор-мор келтирилиб, фашизм устидан зўр ғалаба қозонган эканмиз, энди ғоявий талабларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, сан'атни овунчоқ бир нарсага айлантириб юбориш мумкин деб ўйладилар. Партия мана шу бўшаштиручилик қайфиятларини қоралади. Совет жамоатчилиги космополитик идеяларни, рус адабиётида гўё ижобий қаҳрамон образи бўлмаган деган сохта қарашларни, шунингдек эстетик нигилизмни қаттиқ танқид қилди. Жамоатчилик вульгар социологизмга ва бачаналаштиришга қарши ҳам шундай изчиллик билан кураш олиб борди.

Бизнинг танқидчилигимиздаги камчилик шуки, — дейди нотиқ, — ҳаёт ва адабиётнинг тараққиётига у етарлик даражада кенг назар солмаётир. Адабиётнинг йиллик обзорини ёзиб туриш Белинскийдан бери ажойиб традиция бўлиб келмоқда эди, аммо бундай обзорлар журналларнинг саҳифаларида кўринмай қолди. Эҳтимол, — дейди нотиқ, — ба'зи танқидчилар март-апрель ойларида баҳо берилур деб кутиб, январьда обзор мақолалар ёзишни истамагандирлар. Лекин бу нарса асло уларнинг далилигини ва мустақиллигини кўрсатмайди.

Ўртоқ Рюриков Совет ёзувчилари союзининг танқидчиликнинг жиддий равишда кейинда қолаётганлиги учун жавобгар эканлиги тўғрисида гапиради. Газета ва журналларнинг саҳифаларида танқид учун берилаётган жойлар асло етарлик эмас. Союзнинг органлари бўлган журналлар, альманахлар, «Литературная газета» ёш танқидчиларни тарбиялаш соҳасида кечириб бўлмаслик даражада оз иш қилдилар. Бутун танқидчилик ишини пухта ўйлаб, қунт блан яхшилаш Совет ёзувчилари союзининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Раислик қилучи:

— Улуғ негр ашулачиси—инсоният бахти учун чарчамас курашчи **Поль Робсонга** сўз берилади,— деб э'лон қилади. Залда гулдурос овация бошланади.

Америка ма'мурлари Поль Робсонга АҚШдан чиқиш учун рухсат бермаганликларига қарамай, унинг плёнкага ёзиб олинган нутқи шу кун кечқурун Совет ёзувчилари с'езида жаранглаб эшитилди.

Биз, тинчлик ҳимоячилари, — деди у, — бизнинг ҳаммамизга таҳдид солаётган хавфни жуда яхши биламиз. Бизнинг бахтимизга, мана шундай ҳужумларга қарамай, Америка халқи қаҳрлда уйғонмоқда. У ҳам тинчлик бўлишини хоҳлайди, шунинг учун ҳам унга тинчлик учун курашда мумкин қадар кенгроқ қатнашиш соҳасида ёрдамлашиш лозим. Бу курашда бутун ер юзидаги миллион-миллион кишилар ўзларининг бутун кучларини сарф қилмоқдалар.

Биз, Америкада тинчлик учун курашаётган кишилар террор бўлаётганлигига қарамай, ҳамма қийинчиликларга ва тўсқинликларга қарамай, ўзимизнинг курашимизни ғайратимизга ғайрат қўшиб давом этдирамиз.

Тинчлик учун курашда ҳормай-толмай зўр бераётганликларингиз учун сизларга раҳмат. Озодлик учун курашаётган халқлар одамларнинг маданиятига ва танасининг тусига қарамай, уларнинг ҳўст бўлишини, уларнинг тенг бўлишини мумкин бўладиган ишга айлантирганингизни кўриб турибдилар.

Шу нарса эсингизда бўлсинки, мен совет халқининг чин дўстиман, — деди провардида Поль Робсон,—Совет кишиларига ва айниқса болаларга мендан салом айтинг. Американинг турли жойларидаги беҳисоб кўп болалар мендан сизларга ва сизларнинг болаларингизга салом айтиб қўйишни илтимос қилдилар. Ҳа, ғўзал келажак уларникидир, чунки биз курашиб уларга тинчликни албатта та'минлаб берамиз. Тинчлик урушни енгади!

Сўнгра **Г. Мустафин** сўзга чиқди. У қозоқ совет адабиётининг муваффақиятлари тўғрисида гапирди, қозоқ шоирлари ва прозаиклари яратган бирқанча асарларни айтиб ўтди. Нотиқ миллий тиллардан таржима қилиш масалаларига тўхталиб, таржима ҳунар эмас, балки сан'ат эканлигини, таржимон халқнинг ҳаётини, турмушини ва традицияларини билиши, оригиналнинг услубидаги хусусиятларни ва ижодий моҳиятини эгаллаб олиши лозимлигини уқтириб ўтди.

Француз ёзувчиси **Эльза Триоле** сўзга чиқади. У, совет адабиётининг Ғарб китобхонлари учун роли жуда катта эканлигини, Ғарбдаги китобхонларда одамга ишонч, умид, муҳаббат туғдираётганлигини гапириб ўтди.

Кечки мажлиснинг охирида сўзга чиқкан кинорежиссёр **А. Довженко** ўз нутқини кинодраматургияни ривожлантириш масалаларига бағишлади.

* * *

С'езднинг 21 декабрьда **Б. Кербобоев** раислиги остида очилган эрталабки мажлисида доклад ва қўшимча докладларни муҳокама қилиш давом этди. Делегатлар сўзга чиқиб, кўпмиллатли совет адабиётининг ривожланиб бораётганлиги тўғрисида гапирмоқдалар, ёзувчиларнинг асарларини анализ қилиб бермоқдалар, Союз фаолиятидаги камчиликларни танқид қилмоқдалар, ёзувчиларнинг халқ блан янада яқинроқ алоқада бўлиши зарурлигини уқтириб ўтмоқдалар. Шу кунларда мамлакатнинг ҳамма томонидан Союзлар Уйининг Колонна залига тўхтовсиз келиб турган табрик телеграммалари ва хатлари совет адабиёти блан халқнинг бирлигини ифодаловчи жонли далилдир. Тиксидаги қутбчилар ва Қизил байроқли Кронштадт ҳарбий-денгизчилари, Белоруссия комсомоллари ва Одесса областининг колхозчилари, Ленинграддаги «Вулкан» заводининг ишчи ёшлари ва П. Ангелина трактор бригадасидаги тракторчилар Ёзувчилар с'ездини табрикламоқдалар.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан шоир **А. Яшин** айтдики, колхоз қишлоғининг ҳаётида рўй берган жуда катта силжишлар ва қишлоқ енгиб ўтган қийинчиликлар поэзиянинг назаридан четда қолди. Иккинчи томондан, урушдан кейинги вақтларда ёзилган ба'зи ше'рларда воқи'ликни безаш элементлари бор. Сўнгра нотиқ ёзувчиларнинг воқи'ликни ҳаққоний акс этдириш учун ўзларини жавобгар деб ҳис қилишлари тўғрисида гапирди.

Эстон ёзувчиси **Л. Реммельгас** социалистик реализм методи тўғрисида, фақат совет адабиётигина эмас, шу блан бирга жаҳондаги бутун прогрессив адабиёт ҳам шу метод асосида ривожланаётганлиги ҳақида гапирди.

ВЦСПС секретари ўртоқ **П. Н. Коробова** сўз берилади. Ўртоқ Коробова совет касаба союзларининг с'езига ёзган табрикномасини ўқиб беради.

Табрикномада шу нарса айтиб ўтилганки, ёзувчилар совет кишиси — ватанпарварлар, меҳнаткаш, тинчлик учун бардам курашчилар, юксак ахлоқли совет кишисининг ма'навий қиёфасини шакллантиришга ўз асарлари блан чуқур та'сир ўтказмоқдалар. Касаба союзлари оммани коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ўз ишларида совет адабиётидан кенг фойдаланмоқдалар.

Ҳамма касбдаги меҳнаткашлар, — дейилади табрикномада, — ўз ёзувчиларидан совет кишиларининг бой ма'навий руҳини очиб берадиган, ўз қаҳрамонларининг образларида уларнинг бутун хилма-хил меҳнат фаолиятини, ижтимоий ва шахсий ҳаётни бир-биридан ажралмас бўлиб бирлашганлигини гавдалантиралиган янги асарлар яратиб беришларини кутмоқдалар.

Алексей Талвир (Чувошистон АССР) сўзга чиқиб, таржима масалаларига тўхталиб ўтди.

Ёзучи **К. Маликов** Қирғизистон ССРда адабиётнинг ривожланиб бораётганлиги тўғрисида гапирди.

Чехословакия ёзувчилари Союзининг раиси **Ян Дрда** сўзга чиқиб, с'езни табриклади. У, совет адабиётининг Чехословакияда ғоят оммалашиб кетганлиги ва янги социалистик кишини тарбиялаш ишида ажойиб ёрдамчи бўлиб қолганлиги тўғрисида гапирди.

Биз, чехлар ва словаклар блан сиз совет кишиларини фақат адабиётларимизнинг қардошларча дўстлиги ва бу соҳадаги ўзаро ҳамкорликкина бир-биримизга боғлаётгани йўқ. Сизлар блан биз бошқа минглаб алоқалар воситаси блан, бутун ҳаётимиз блан ҳам боғлганмиз. Унутилмас ўртоғимиз Готвальднинг: «Совет Иттифоқи блан абадий биргамиз!» деб айтган сўзлари бизнинг қалбимизда сақланмоқда ва унинг шу сўзлари биз учун бузилмас қонундир. Делегатлар ва меҳмонлар бу сўзларни гулдурос олқишлар блан кутиб оладилар.

Машҳур чех ёзувчиси **Мария Майерова** минбарга чиқади. У, с'ездга Чехословакия усталари моҳирлик блан ясаган катта хрусталь вазани совға қилади.

Сўнгра Голландиянинг прогрессив ёзувчиси **Тейн Де Фрис** с'ездни табриклайди. У совет адабиёти ва унинг четэлларги илғор ёзувчилар ижодига кўрсатаётган самарали та'сири тўғрисида гапиради. Эрталабки мажлисда **О. Берггольц, П. Козланюк,** бошқирд ёзувчиси **М. Карим, С. Кирсанов, Я. Ругоев** (Карель-Фин ССР) ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

* * *

21 декабрь кечки мажлисда **А. Лупан** раислик қилади. Биринчи бўлиб сўзга чиққан **Е. Поповкин** миллий республикаларда ва областьларда яшовчи рус ёзувчиларининг ишларига тўхталиб ўтди.

К. Чуковский ўз нутқини совет адабиётшунослик китобларининг тили проблемаларига бағишлади.

СССР Маданият министри **Г. Ф. Александрова** сўз берилади.

Совет ёзувчиларининг фаолияти мамлакатимиздаги барча маданий муассасаларнинг ишлари блан узвий равишда боғланган,— деди у. — Модомики совет Маданияти ҳозирги вақтда жаҳон аҳамиятига эга катта муваффақиятларга эга бўлган экан, бу муваффақиятларга у кўп жиҳатдан бадиий адабиёт, совет ёзувчиларимиз туфайли эришди.

Сўнгра ўртоқ Александров бизнинг мамлакатимизда китоб нашр қилишнинг ривожланиб бораётганлиги тўғрисида гапирди. Фақат 1953 йилнинг ўзидагина қарийб 1 миллиард нусхага яқин китоб нашр қилинди. Китоб халқни ма'навий бойитади, унга ўз меҳнатини, ўз турмушини социалистик негизда ташкил қилишда ёрдам беради. Шу сабабли бизда китобларга талаб шу қадар катта. Нашр қилинаётган китобларнинг сонини,—дейди нотиқ,—яқин йиллар ичида икки баравар кўпайтириш, сўнгра эса уч баравар кўпайтириш керак ва ҳар йили чиқарилаётган бадиий адабиёт китобларининг сонини икки-уч миллиард нусхага етказиш керак. Аммо бадиий адабиёт нашр қилишни планлаштириш системасида тартибсизликлар бор, жумладан, ба'зи нашриётлар ма'лум асарларнинг ўзини ҳаддб қайта нашр қилишга интиладилар ва янги адабиётчи кучларни тарбиялашга жуда кам аҳамият бермоқдаларки, буни с'езнинг ба'зи делегатлари ҳақли равишда кўрсатиб ўтдилар. Ёш совет ёзувчиларининг асарларини дадиллик блан нашр этиш керак.

Адабиёт назарияси проблемаларини ишлаб чиқиш кейинда қолаётганлиги масаласига тўхталиб, нотиқ шуни айтиб ўтдики, агар бизнинг ёзувчиларимиз ҳозирги замон адабиёт назариясининг муҳим масалаларини ишлаб чиқишда ўзлари зўр ғайрат блан қатнашсалар, бу қолоқликни муваффақиятли равишда тугатиш мумкин. Горькийнинг ажойиб традициясини тиклаш—таҳрир ишларида ёзувчиларнинг ўзларини қатнаштириш керак.

Энг оммавий ва халқимиз энг севадиган сан'ат бўлган кино,—дейди ўртоқ Александров,—адабиёт идеяларини ва образларини ўн миллионлаб совет кишиларига етказишнинг қудратли воситаларидан биридир. Ҳозирги вақтда партия Марказий Комитети ва ҳукумат томонидан совет кинематографиясини кенг йўлга олиб чиқиш тадбирлари кўрилмоқда. Ватанимизда кучли киноиндустрия яратиш учун катта-катта маблағлар сарфланмоқда.

Менингча, — деб давом қилади ўртоқ Александров, — театр ва кино соҳасида ишлаш ёзувчилар ташкилотининг асосий вазифаларидан бири эканлигини Совет ёзувчилари Союзининг янги Уставида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Михаил Шолохов минбарга чиққанида уни с'ездагилар саммимият блан кутиб олдилар. У, докладчи ва қўшимча докладчилар ҳақида таҳқидий фикрлар айтиб, сўнгра ёзувчиларнинг ўз халқи олдидаги мас'улияти катта эканлиги тўғрисида гапирди.

Румин шоири **Михай Бенюк** с'езд делегатларига дўстона табрик сўзлари блан мурожаат қилди. У, халқ Руминиясидаги китобхонлар янги турмуш қуришни ўргатаётган совет адабиёти асарларини севадилар ва қадрлайдилар,—деб айтди.

Кечки мажлисда **А. Венцлова,** академик **В. В. Виноградов, Г. Николаева** ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар. (ТАСС).

СССР Олий судида

1954 йил 14—19 декабрьда Ленинград шаҳрида ўтказилган очиқ суд мажлисида СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси раиси — СССР Олий суди Раисининг биринчи ўринбосари юстиция генерал-лейтенанти Е. Л. Зейдин ва суд а'золари — юстиция генерал-майори В. В. Сюльдин ва юстиция полковниги В. В. Борисоглебскийдан иборат составда, давлат қораловчиси СССР Генерал прокурори, юстиция ҳақиқий давлат маслаҳатчиси Р. А. Руденко ва ҳимоячилар — Москва адвокатлари шаҳар коллегиясининг а'золари Л. И. Гринёв, М. В. Степанов, Н. И. Рогов, Л. В. Павловларнинг иштироки блан, СССР Давлат хавфсизлигининг собиқ министри В. С. Абакумовни, СССР ДХМ (Давлат хавфсизлиги министрлиги)нинг махсус муҳим ишлар бўйича тергов қисмининг собиқ бошлиғи А. Г. Леонов, махсус муҳим ишлар бўйича тергов қисми бошлиғининг собиқ ўринбосарлари В. И. Комаров ва М. Т. Лихачевларни, СССР ДХМнинг собиқ ходимлари И. А. Чернов, Я. М. Броверманларни РСФСР Жиноят кодексининг 58 — 1 «Б», 58 — 7, 58 — 8, 58 —11-нчи моддаларида кўрсатилган жиноятларни қилишда айблаш юзасидан жиноий ишни кўриб чиқди.

Суд тергови дастлабки тергов материалларини ва айдорларга қўйилган айбларни тамомила тасдиқлади.

Берия томонидан СССР Давлат хавфсизлиги министри лавозимига кўтарилган судланучи Абакумов жиноятчи фитначилар группасининг бевосита қатнашчиси бўлган Бериянинг Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига қарши қаратилган душманчилик топшириқларини бажарган.

Абакумов Берия қилган жиноятлардек жиноятларни қилиб, авантюралар ва сиёсий провокациялар йўлига ўтган. Абакумов партия, совет аппаратининг айрим ходимлари ва совет интеллигенцияси вакиллари ҳақида сохта деталларни тўқиган, сўнгра, ана шу кишиларни қамоққа олган ва тергов ишларида совет қонуни тақиқлаган жиноий методларни қўлланиб, ўз шериклари Леонов, Комаров, Лихачев блан биргаликда ҳаракат қилиб, махбусларни давлатга қарши оғир жиноятлар қилишда айдормиз деб иқрор бўлиб, сохта ма'лумот беришга мажбур этган.

Абакумов шу йўл блан «Ленинград иши» деб аталган ишни қалбаки равишда тўқиган. Шу «иш» юзасидан бирқанча партия ва совет ходимлари давлатга қарши жуда оғир жиноятларни қилганлар деган ёлғон гаплар блан айбланиб, асоссиз суратда қамоққа олинганлар.

Суд тергови Абакумов ва шериклари нинг жиноий ишларни сохталаштирганликларига ва социалистик қонунчиликни жиноий равишда поймол этганликларига доир бошқа кўп фактларни ҳам аниқлади.

Абакумов ва унинг шериклари томонидан сохта айбланган кишилар ҳозир тамомила оқландилар.

Ўз жиноятларини яшириш учун, Абакумов махбусларнинг КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номига ёзган аризалари ҳамда шикоятларининг мазкур жойларга юборилишини тақиқлаган.

СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси Абакумовга ва унинг шерикларига қўйилган айблар тамомила исбот бўлди, деб топиб, судланучи И. А. Черновни 15 йиллик муддат блан ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерига қамашга, судланучи Я. М. Броверманни 25 йиллик муддат блан ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерига қамашга, судланучиларни В. С. Абакумовни, А. Г. Леоновни, В. И. Комаровни ва М. Т. Лихачевни энг олий жазого — отишга ҳукм қилди.

Суд залида ҳозир бўлган кишилар ҳукмни зўр қониқиш блан кутиб олдилар.

Ҳукм ижро этилди.

Тошкент саноати йиллик ишлабчиқариш планини муддатидан илгари бажарди

20 декабрьда Тошкент саноати ялпи маҳсулот ишлабчиқариш йиллик планини бажарди. Ўтган йилдагига нисбатан ишлабчиқариш ҳажми 14 процентдан кўпроқ кўпайди. Юздан ошиқ корхона, шу жумладан Ворошилов номли «Тяжсельмаш» заводи, Сталин номли тўқимачилик комбинати, «Пох'ёмник» заводи, Ильич номли завод, ремонт-подшипник заводи, Йўллар министрлигининг машинасозлик заводи, 1-нчи сон нон заводи, пайпоқ-трикотаж фабрикаси, қоғоз фабрикаси, 2-нчи сон пойафзал фабрикаси 1955 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарабошладилар. Йиллик программани муддатидан илгари бажариш учун бўлаётган мусобақада Октябрь, Сталин, Марказий, Куйбишев, Ленин ва Фрунзе районларининг корхоналари яхши натижаларга эришдилар.

1954 йилда Тошкент корхоналари республикамизнинг қишлоқ хўжалигини ва даставвал, унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни янада механизациялаш ишига жиддий ҳисса кўшдилар. Ўнбир ой ичидагина қишлоқ хўжалиги учун планда кўзда тутилганига нисбатан 24,5 миллион сўмлик кўп машина, улар учун запас қисмлар ва бошқа буюмлар тайёрлаб берилди. Пахта териш машиналари, кўрак чувиш машиналари, сеялкалар, чанглагич ва пуркагичлар, экскаваторлар ва маҳсулотнинг бошқа жуда муҳим хилларини ишлабчиқариш анча кўпайди. Шаҳар меҳнаткашлари пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан Тошкентда бўлиб ўтган кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатига жавобан қишлоқ хўжалигига ёрдам беришни кучайтирмоқдалар. Чигитни квадрат шаклида ўялаб экиш ва қатор оралари торайтириб экилган ерларда ғўза қаторларини узунасига-кўндалангига ишлаш учун янги техника ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Шаҳар корхоналари МТСларга 250 инженер ва техник юборадилар, улар машиналарни янги агротехника талабларига жавоб берадиган қилиб мосламда механизаторларга ёрдам кўрсаталилар.

Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш учун курашиб, халқ иste'моли моллари ишлаб чиқаришни анча кўпайтирдилар, уларнинг ассортиментини кенгайтирдилар. (ЎзТАГ).

Бекобод шаҳар корхоналарининг муваффақияти

БЕКОБОД. **(«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирларидан, телефон орқали олинди).** Шаҳар корхоналари республикамизнинг 30 йиллигини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб олиш учун бошланган мусобақага қўшилиб, йил бошида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф блан бажардилар. Шаҳар корхоналари 1954 йил учун белгиланган планни муддатидан илгари — 19 декабрьда ошириб бажардилар. Шаҳар бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1953 йилнинг худди шу даврига нисбатан 11 процент ошди.

Шаҳар корхоналари ўртасидаги мусобақада йиллик планни муддатидан бир ой илгари бажарган промкомбинат коллективи, шунингдек гўшт комбинати, пахта тозалаш заводининг коллективлари олдинда бормоқдалар.

Шаҳар корхоналари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. 22 декабрьгача шаҳар корхоналари пландан ташқари бирнеча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

УЗБЕКИСТОН ССР НИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистонда матбуотнинг ривожланиши

Совет Иттифоқида барча совет халқларининг дўстлиги ва тенгҳуқуқлиги идеологияси тўла ва қат'ий тантана қилди. Коммунистик партиянинг доно миллий сиёсати СССР халқларини мустаҳкам жипслашган қардошлик оиласига абадий бирлаштирди, уларни ижод қилиш ва бахтли ҳаёт кўришнинг кенг ёруғ йўлига олиб чиқди.

Коммунистик партия миллий сиёсатининг ажойиб самараларидан бири—ССР Иттифоқининг ажралмас, таркибий қисми бўлган бизнинг социалистик Ўзбекистонимизда эришилган ютуқлардир. Кулратли социалистик саноати гуркираб юксалаётган, қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик юксак даражада механизациялаштирилган, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти барқ уриб яшнаётган бугунги Ўзбекистон Совет Иттифоқининг илғор республикаларидан бири бўлиб қолди.

Республикамизда матбуотнинг тинмай ривожланаётганлиги Ўзбекистонда социалистик маданиятнинг тўхтовсиз юксалаётганига ёрқин далил бўлаолади.

* * *

Улуғ Октябрь социалистик революцияси йилларида бунёдга келган совет миллий матбуоти Коммунистик партия қўлида янги ижтимоий тузум ғалабаси учун олиб борилган курашнинг ҳамма босқичларида энг ўткир идеологик қурол бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шундай қурол бўлиб қолмоқда.

Халқ Комиссарлари Совети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси кунларидаёқ «Матбуот ҳақида» декрет қабул қилди. В. И. Ленин қўл қўйган бу декрет 1917 йилнинг 28 октябрида э'лон қилинди. Ленин декрети янги даврнинг—меҳнаткашлар учун чинакам эркин матбуот даврининг бошланганлигидан дарак берди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати марказда ҳам, жойларда ҳам партия ва совет газеталарини ташкил этдилар.

Ўзбекистонда Совет ҳокимияти бунёдга келган дастлабки кунларданоқ «Наша газета» деган совет газетаси чиқабошлади. Кейинчалик маҳаллий тилда газета нашр этилди. Бундай газетанинг биринчиси «Иштирокиюн» («Коммунист») газетаси бўлди. Бу газета 1918 йилнинг июнь ойидан а'тибаран чиқабошлади. Шундан кейин «Қизил Байроқ», «Туркистон» ва Ўзбек тилида яна бошқа бирқанча газеталар нашр этилаборди.

Совет Ўзбекистонида чиқадиган газеталар Коммунистик партиянинг жанговар органи «Правда» йўлидан бордилар. Бу газеталар «Правда»нинг бой тажрибасидан, коммунистик пропаганда ва агитация маҳоратини, оммани Коммунистик партиянинг қарорлари ва чақириқларини амалга ошириш учун курашга отлантириш ва жипслаштириш маҳоратини ўргандилар.

Ўзбекистон партия ташкилотларининг газеталари ўзлари вужудга келган дастлабки кунларданоқ Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаларини қат'ият блан ҳимоя қилдилар. Уларнинг бутун фаолияти жойларда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш вазифаларига бўйсундирилди. Бу газеталар чекка ўлкаларгаги халқ оммасини четэл ҳарбий интервенцияси ва граждалар урушининг шиддатли кунларида социалистик Ватанни ҳимоя қилишга отлантиришда жуда катта ишлар қилдилар.

Ўзбекистон матбуоти халқ хўжалигини тиклаш соҳасида. тинч қурилиш ишларига ўтиш даврида катта ташкилотчилик ишини олиб борди. Бу даврда, айниқса Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралашни ўтказиш ва Ўзбекистон ССРни ташкил этиш даврида матбуот янада ривожланди. Бу даврда «Қизил Ўзбекистон» газетаси ташкил этилиб, унинг биринчи сони 1924 йил 5 декабрьда чиқди. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», шунингдек деҳқонлар, ёшлар, хотин-қизлар, сиёсий бўлим газеталари ва бошқа газеталар мамлакатимизда социалистик қурилиш йилларида катта пропагандистлик, ташкилотчилик ва сафарбар этучилик ролини ўйнадилар.

Ўзбекистонда партия ва совет матбуоти мамлакатни индустриалаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаш учун курашда партия ташкилотлари қўлида қурол бўлди. Матбуот ўша йилларда социализмнинг бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги ленинча-сталинча та'лимотни актив пропаганда қилди, оммани социалистик қурилишнинг улуғвор перспективалари блан таништирди. Матбуот қишлоқ хўжалигини коллективлаш ва маданий қурилиш масалаларига айниқса катта э'тибор берди. У, Ватанимизнинг энг ашаддий душманларига, ҳартурли буржуа миллатчиларига қарши аёвсиз курош олиб борди ва совет жамияти ма'навий-сиёсий бирлигининг мустаҳкамланишига ёрдам қилди.

Совет матбуоти социалистик жамият қурилишини тугаллаш учун бўлган кураш даврида СССРда социализмнинг оламшумул тарихий ғалабасини акс этдирди, социалистик системанинг капиталистик системадан беқиёс афзаллигини пропаганда қилди, империалистик буржуазиянинг агрессив планларини фош этиб ташлади. Социализм мамлакатининг матбуоти буржуа идеологиясига қарши ҳормай-толмай курашиб, фашистларнинг ирқчилик назариялари энг агрессив ва реакцион назариялар эканлигини бутун дун'ё олдида аёвсиз фош этди. Бизнинг матбуотимиз барча меҳнаткашларни революцион ҳу'шёрликни оширишга, мамлакатнинг мудофаа қувватини тинмай мустаҳкамлашга, агрессорларга қат'ий зарба бериш учун ҳардоим сафарбарлик ҳолатида шайланиб туришга ундади.

Ўзбекистон ССР Улуғ Ватан уруши арафасидаёқ анча юксак даражада ривожланган саноатга эга бўлган эди. Бу саноатнинг ялпи маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан еттиярим баравардан зиёд ошган эди.

Ўзбек халқи шонли Коммунистик партия раҳбарлигида улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли Совет ҳокимияти йилларида ўзининг асрлар бўйи давом этиб келган маданий қолоқлигини тугатди. Республикада юз берган чинакам маданий революция натижасида Ўзбекистонинг кўпсонли совет-миллий интеллигенцияси етишиб чиқди. Урушдан олдин ўқитучилар сони қарийб 35 мингга, олий ўқув юртларидаги ўқитучилар сони эса 12 мингга етган эди. Уша вақтда Ўзбекистон бирярим минг илмий номзод, иккимингдан зиёд врачга, халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича ўнмингдан кўпроқ олий ма'лумотли мутахассисларга эга бўлган эди.

Улуғ Ватан уруши арафасида Ўзбекистонда 29 та театр, шу жумладан республика пойтахтида 7 та театр мавжуд эди. Республика ўзининг 1053 та кутубхонасига, шу жумладан қишлоқда 788 та кутубхонага эга бўлган эди. Улуғ Ватан урушининг бошланишигача республикада 225 номда газета, шундан 135 номдагиси ўзбек тилида чиқиб турди.

Совет Иттифоқининг немис-фашист босқинчиларига қарши Улуғ Ватан уруши бошланганда совет матбуоти урушдан аввалги йилларда тўплаган ўз тажрибаларидан моҳирлик блан фойдаланди. Жанговар тажриба блан бойиган «Правда»нинг революцион принциплари асосида тарбияланган Совет матбуоти Партия ва Ҳукумат қарорларини халқ онгига етказди, унинг сиёсий онглилигини оширди, уни партия теварагига янада маҳкамроқ жипслаштирди, миллионларча кишиларни инсониятнинг энг ашаддий душмани — герман фашизмига қарши курашга отлантирди. Матбуот ҳаққоний ишимизнинг тантана қилиши учун ҳормай-толмай кураш олиб борими блан Коммунистик партия ва Совет давлати тарихига ёрқин саҳифалар битди.

Урушдан кейинги йилларда аҳолининг маданияти ва сиёсий онглилиги тўхтовсиз ошиб борими блан бирга, унинг газета ва журналларга бўлган талаби ҳам тинмай ўсмоқда. Партия ва Совет ҳукумати халқ талабларини э'тиборга олиб, йил сайин янгидан-янги газета ва журналлар ташкил этмоқдалар, уларнинг тиражларини кўпайтирмоқдалар. Фақат сўнгги 1952—1954 йиллар мобайнида Ўзбекистонда 35 та янги газета чиқабошлади.

Ҳозир республикада рус, ўзбек, тожик, ва қорақалпоқ тилларида 9 та республика, 21 та область, 12 та шаҳар, 132 та район газетаси. 33 та кўптиражли газета ва 17 та журнал чиқиб турипти. Уларнинг ялпи тиражи 1 миллион 100 мингдан ортиқдир. Тошкентда республика миқ'ёсидаги партия газеталаридан — «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони сурх» газеталари; ёшлар газеталаридан — «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана», «Ўзбекистон физкультурачиси» газеталари; пионерлар газетаси — «Ленин учқуни», «Ўқитучилар газетаси» ҳамда «Ўзбекистон коммунисти», «Агитатор блокноти», «Ўзбекистон социалистик қишлоқ хўжалиги», «Пахта учун кураш», «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналлари, юмористик «Муштум» журнали, бадиий иллюстрацияли «Социалистик Ўзбекистон» журнали, адабий-бадиий журналлардан «Звезда Востока», «Шарқ юлдузи» журналлари, «Социалистическое здравохранение Узбекистана» журналлари ва бошқа газета-журналлар нашр этилмоқда.

Ўзбекистонда революцияга қадар китоблар деярли нашр қилинмас эди. Нашриётчилик иши фақат Совет ҳокимияти йилларидагина кенг қулоч ёйди. Республикада Ўзбекистон Давлат нашриёти, ўқув-педагогика нашриёти, Академия нашриёти ҳамда «Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти ишлаб турипти. Китоблар нашр этиш йил сайин кўпаймоқда. Агар 1917 йилда 9 номда китоб нашр қилинган бўлса, орадан ўн йил ўтгач, я'ни 1927 йилда ялпи тиражи икки миллион нусхадан зиёд бўлган 831 номда китоб нашр қилинди. 1953 йилда эса ялпи тиражи 23 миллион бўлган 1160 номда китоб нашр этилди.

Марксизм - ленинизм классикларининг юзларча асарлари ўзбек тилида босиб чиқарилди. В. И. Ленин ва И. В. Сталин асарларини ўзбек тилида нашр этишнинг 1953 йилда тугалланиши ўзбек халқи ҳаётида катта воқеа бўлди. «КПСС с'езлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорларида» деган тўпламнинг I томи босилиб чиқди, К. Маркс «Капитал»ининг 1-нчи томи нашр этишга тайёрланди. Қишлоқ хўжалик, бадиий адабиёт ва болалар адабиёти ҳам кўплаб нашр этилаётир. Рус бадиий адабиёти классикларининг ўнларча асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Ўзбек китобхонлари Л. Толстойнинг «Уруш ва яраш», Пушкининг «Евгений Онегин

ПАХТАЧИЛИКДА ЯНГИ, ПРОГРЕССИВ МЕТОДЛАРНИ КЕНГ ҚЎЛЛАНАЙЛИК!

Областимиздаги кўпгина илғор колхозлар бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун янги ва прогрессив методларни қўлланиб яхши натижаларга эришдилар. Торайтирилган қаторларга квадрат шаклида чигит эккан колхоз ва совхозлар пахта ҳосилини анча оширдилар ва кўплаб меҳнат кунини тежаб қолишга муваффақ бўлдилар. Шу блан бирга бу колхозларда механизациядан кенг фойдаланиш имконияти туғилди.

Верхне-волинск районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг а'золари бу йил 194 гектар ерга чигитни торайтирилган қаторларга квадрат шаклда эккан эдилар. Ана шу ерлардан 70 сантиметр қилиб чигит экилган ерлардагига нисбатан 5 — 6 центнердан ошириб ҳосил олинди. Янги методнинг афзаллигини тажрибада кўрган колхоз а'золари пахта майдонининг асосий қисмига ана шу метод блан чигит экишга қарор қилдилар.

Биз қуйида шу тўғрида бирқанча материаллар босаётирмиз.

Мирзачўл районида бу йил барча ерларда чигит торайтирилган қаторларга экилади. 500 гектар ерга эса чигит квадрат шаклда уялаб экилади. Райондаги 1-нчи МТС сеялкаларни торайтирилган қаторларга чигит экишга мослаш ишига киришди. **Суратда:** МТС механиги **Т. Ф. Артюшков** ва слесарь **А. Анипко** 45х45 схемасида чигит экишга мосланган сеялканинг сўнгги қисмларини монтаж қилмоқдалар.

Муттасил юқори ҳосил етиштириш учун

Я. ПИСКОРСКИЙ
колхоз раиси

Пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан чақирилган кенгаш колхозлар, совхозларда пахта ҳосилини ошириш учун жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатди. Ҳарбир районда ҳам ёнма-ён, обҳаво жиҳатдан ва ер тузилиши бир хилда бўлган колхозлар бор. Броқ уларнинг биряда пахтадан мўл ҳосил етиштирилса иккинчи бир колхозда кам ҳосил олинмоқда. Бугина эмас, ҳатто бир колхознинг ўзида ба'зи бригадаларда пахта етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришилаётган бўлса, бошқа бригадаларда бунинг тескарисини кўрасиз. Пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан чақирилган кенгаш бундай аҳволни қаттиқ қоралади, барча пахтакорлар олдига ҳамма колхозларда, ҳамма бригада ва звеноларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш вазифаси қўйилди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг асосий шарти прогрессив методларни қўлланиб, уларни дадиллик блан амалга оширишдан иборат. Пахтанинг ялпи ҳосилини ошириш, мавжуд ерларда етиштирилаётган ҳосилни узлуксиз равишда кўпайтираборишпартов ерлар ҳисобига пахта майдонларини кенгайтириш талаб этилади. Мана шу муҳим масалага биз ўз колхозимизда алоҳида э'тибор бердик. Шунинг натижасида колхозимизда пахта майдони кенгаймоқда, ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосили тобора оширилаётир.

1952 йилда «Қизил Октябрь» колхози Верхне-волинск районида энг кам ҳосилли колхозлардан бири ҳисобланар эди. Ўша йили колхозда 1150 гектар ерга чигит экилиб, ҳар гектар ердан 18 центнердан ҳосил олинган эди. Вақоланки бизнинг колхоз блан деярли бирхил шароитда бўлган Карл Маркс номли, Куйбишев номли колхозларда бизнинг колхозга нисбатан ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосили анча юқори эди. Бу аҳвол бизни ташвишлантирди. Ўша вақтда биз пахта ҳосилини оширишни ўз олдимизга энг муҳим масала қилиб қўйган эдик. Бу масалани ҳал қилиш учун меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, колхоздаги барча ишчи кучларини колхоз ишига тўла сафарбар этиш, қишлоқ хўжалик артели Уставига тўла риоя қилиб иш олиб бориш, айниқса илғор колхозчиларнинг ташаббускорлигини ошириш туфайлигина бу соҳада жиддий бурилиш ясаш мумкинлигига қаттиқ ишондик ва ишни худди шундан бошладик. Бунга эришиш албатта осон бўлмади. Бу ишда колхоз бошлангич партия ташкилоти колхоз правлениесига яқиндан ёрдам берди. Колхозчиларимизда ғайрат ва ташаббускорлик ортабошлади. Шу йўл блан колхоз хўжалигини мустаҳкамлаш, ҳосилни оширишда қат'ий курраш бошлаш мумкин эди.

Дарҳақиқат 1953 йил колхозимизда пахта ҳосилини оширишда қат'ий бурилиш йили бўлди. Шу йили биз 1140 гектар ерга чигит эккан эдик. Йилнинг охирига келиб план ошириб бажарилди. Бир йилнинг ўзида ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 6 центнерга кўпайди, ҳар гектар ердан пландаги 18 центнер ўрнига 24 центнердан пахта топширдик. Бу факт «Қизил Октябрь» колхозининг ҳам бошқа, юқори ҳосилли колхозларга етиб олиши мумкинлигига ва албатта зарурлигига қат'ий ишонч ҳосил қилди.

Колхозимизда планнинг бажарилиши, ҳаммадан ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб катта даромад олиниши колхозчиларимизнинг ишончларини мустаҳкамлади. Уларнинг ғайратларига-ғайрат қўшди. Шу блан бирга колхозимизда меҳнат интизоми мустаҳкамланаборди.

1954 йилда 65 гектар партов ер ўзлаштирилиб чигит экилди. Колхозда пахта майдони 1205 гектарга етди. Ташаббускор колхозчиларимиз 1954 йилда пахта ҳосилини тўхтовсиз ошириш учун курашиб, янги, прогрессив усулларни дадиллик блан қўлланабошладилар. Колхозимизнинг Т. Акбаров, С. Бозоров, Ш. Кусаев, Қ. Маҳкамбоев, Х. Ҳолмирзаев, Х. Шералиев ва Э. Юсупов ўртоқлар сингари бригада бошлиқлари шахмат усулида чигит экишга киришдилар. Умуман, бу бригадаларнинг 194 гектар ерига 60х45 схемаси бўйича чигит экилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Шахмат усулида чигит эккан ўртоқ Маҳкамбоев бошлиқ бригаданинг Али Фозилов звеноси 25 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан пахта ҳосили олишга эришди.

Чигит прогрессив усулда экилган бригадаларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш блан бирга, бошқа бригадаларга нисбатан пахта тайёрлаш плани олдин бажарилди, смета бўйича ҳарбир центнер пахтани етиштириш учун сарф этилиши лозим бўлган меҳнат анча иқтисод қилинди.

Колхозимиз бу йил ўтган йилга нисбатан ҳар гектар ердан 2,5 центнердан кўп ҳосил йиғиб олди. Умуман ҳисоблаганда ҳар гектар ердан олинган ҳосил 1952 йилга нисбатан 8 центнерданга кўпайди. Биз бу ютуқларга партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қилаётган жатта ғамхўрликлари туфайли, қишлоқ хўжалик машиналаридан самарали фойдаланганимиз туфайли, агротехника қоидаларини тўғри қўллаганимиз, пахтачиликни ривожлантиришда янги методларни дадиллик блан амалга оширганимиз туфайли эришдик. Шунингдек колхозларнинг меҳнатга онгли муносабатда бўлганликлари, фидокорона меҳнат қилганликлари натижасида эришаолдик.

Тўғри, бу йил 1952 йилга нисбатан катта ютуқларни қўлга киритдик. Лекин бу блан қаноатланиб бўладими? Ахир бизнинг колхозимиздан унча узоқ бўлмаган Карл Маркс номли колхоз а'золари 905 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олдилар-ку? Нима учун бизнинг колхоз Карл Маркс номли колхоза қараганда ҳар гектар ердан 9 центнердан кам ҳосил олади?

Демак биз ҳали бошқа колхозлардан орқада қолмоқдамиз. Ҳали у колхозларга етиб олиш учун колхозимизда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни яна 9 центнердан оширишимиз керак. Эндиликда, илғор колхозларга етиб олиш ва улардан ўтиб кетиш бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолди. Бунинг учун ўзимиз синаб кўрган, звено бошлиқларимиздан Али Фозилов сингари илғор кишиларимиз юқори ҳосил олиш учун курашиб галаба қозонган тадбирларни, усулларни қўллаганимиз. Бу усул пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан чақирилган кенгашда ҳам ма'қулланди. Биз пахтачиликни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш учун янги, прогрессив методларни катта майдонларда амалга оширамиз.

Мўл ҳосил етиштирилди

1954 йилда бизнинг 1-нчи МТС хизматкилаётган «Қизил Октябрь» колхозида прогрессив метод—квадрат усулида чигит экиш жорий қилинабошланди. Бу усулқишлоқ хўжалик машиналаридан унумли фойдаланишга яна кенг йўл очади, кетмон чопиғи анча камаяди, шунинг натижасида етиштирилган пахтанинг таннархи камаяди, колхозчиларнинг меҳнат кунларини қиммати ошади.

Лекин квадрат усулидаги ғўза ораларини ишлаш осон эмас. Бу усулдаги ғўза ораларида муваффақиятли ишлаш механизаторларнинг моҳирликларига, уларнинг квадрат усулидаги қаторларда ишлашнинг агротехникасини яхши билишига ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Бу соҳада трактор блан ягана қилиш жуда мас'улиятли иш ҳисобланади. Мана шу мас'улиятли ва прогрессив методни жорий қилишдек шарафли вазифани Али Фозилов иккаламиз колхозда биринчи бўлиб амалга оширабошладик. Биз энг олдин ўз тракторларимизнинг торайтирилган қаторларда ишлашга мослаштириб ремонтдан чиқардик.

Мен биринчи бўлиб Маҳкамбоев бошлиқ бригаданинг Али Фозилов звеносида эгатлардаги ғўзаларни кўндалангига трактор блан ягана қилабошладим. Биринчи кунги иш бизнинг бунга яхши тайёрлик кўрганлигимизни кўрсатди. Биз ҳам бу ишни зўр қизиқиш блан амалга оширабошладик. Биз хизмат қилган Али Фозилов бошлиқ звено ерининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олинди. Биз сарф этиладиган меҳнатни анча тежаб, юқори ҳосил олишда ўз ҳиссамизни қўшганимиз учун беҳад хурсандмиз.

В. КАЛИНИЧЕВ,
Верхне-волинск районидаги 1-нчи МТСнинг механизатори.

Кам меҳнат сарфлаб мўл ҳосил олдик

Бизнинг бригада а'золари бу йил катта муваффақиятларга эришдилар. Биз 65 гектар ерга чигит экиб, пахта тайёрлаш планини 125 процент қилиб бажардик. Бригадамизнинг Али Фозилов бошлиқ звеноси 25 гектар ерга 60х45 схемаси бўйича торайтирилган қатор ораларига чигит экиб, ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил олишга муяссар бўлди. Шу блан у торайтирилган қатор ораларига чигит экиш пахта ҳосилини кўтаришнинг энг катта резервларидан бири эканлигини амалий равишда кўрсатиб берди.

Бу соҳада бизнинг бригада ишини мисолга олиб кўриш мумкин. Масалан, 65 гектар ердаги пахтани етиштириш учун смета бўйича 13736 меҳнат куни сарф қилиш лозим эди, биз бунинг ўрнига 9958 меҳнат куни сарфладик, 3778 меҳнат куни иқтисод қилинди. Шунинг учун смета бўйича 1 меҳнат кунига 11 сўм ўрнига 16 сўмдан пул олиш имкониятига эга бўлдик.

Фозилов бошлиқ звенода 25 гектар ердаги ғўзани икки ёқлама ишлаш натижасида смета бўйича 4600 та меҳнат сарфлаш ўрнига 3006 та меҳнат сарфлаб ҳар гектардан 38 центнердан ҳосил олинди. 1 центнер пахта етиштириш учун 3,3 меҳнат куни сарф этилди. Ҳарбир меҳнат кунига ғалладан ташқари 17 сўм 60 тийиндан пул тақсимланадиган бўлди.

Ўтган йили Фозилов бошлиқ звено ердан 27 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил шу звенодаги ҳар гектар ердан ўтган йилга нисбатан 11 центнердан ошиқ ҳосил олинди.

10-нчи бригаданинг 2-нчи звено ери ҳар жиҳатдан Фозиловнинг участкасидан қолишмайди. Шунга қарамай бу звенода Фозилов звеносига нисбатан кўп меҳнат сарф қилиниб ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил олинди. Кам меҳнат сарфлаб кўп ҳосил олиш мумкин бўлган бу усулнинг хисларига энди яхши тушиниб олдик. Бизнинг бригада а'золари пахтакорлар кенгаши тавсия этган, торайтирилган қаторларга чигит экишнинг афзаллигини амалда синаб кўрди. 1955 йилда бригадамизнинг ҳамма ерига торайтирилган қаторларга чигит экишга аҳд қилдик.

Қ. МАҲКАМБОЕВ,
Бригада бошлиғи.

Чигитни янги усулда экиш қоидасига тўла риоя қиламиз

«Қизил октябрь» колхозининг а'золари пахта ҳосилини кўтариш учун тинмай курашмоқдалар. Ҳозир колхозда асосий э'тибор ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини оширишга қаратилган. Бу соҳада колхозчилар кейинги икки йил ичида катта ютуқларга эришдилар.

Лекин юқори ҳосил олишга эришишда ўтган йиллари биз янги усуллардан фойдаланмадик. 70 сантиметр кенгликдаги қаторларга чигит экишни давом этдирдик. Бу усулда чигит экиб ҳам пахта ҳосилини бирмунча ошириш мумкин. Лекин торайтирилган қаторларга чигит экиб, ҳосилни кескин равишда ошираборишҳозирги кундаги энг актуал вазифалардан бири бўлиб қолди.

Айрим бригада бошлиқлари янги усулда ишлашни яхши тушунмадилар, шунинг учун ғўзаларни кўндалангига ягана қилиш вақтида бу ишга қаршилик ҳам кўрсатдилар. Шу туфайли шахмат усулида чигит экиш вақтида анча қийинчиликлар юз берди. Бунга аввало колхозчилар ўртасида биз, агрономлар кенг тушунтириш ишлари олиб бормаганимиз сабаб бўлди.

1954 йилда 194 гектар ерга торайтирилган қатор ораларига чигит экиб, машина блан кўндалангига ягана қилдик. Лекин ғўзаларни букетлаш вақтида агротехника қоидаларига риоя қилинмаганидан яна ба'зи хатоларга йўл қўйилди. Бунинг натижасида ғўза уялари машиналар ишлаши учун мувофиқ равишда тўғри бўлиб чиқмади, машина юрган вақтда тўғри чизиқда бўлмаган ғўзалар нобуд бўлди.

11-нчи бригаданинг Али Фозилов бошлиқ звеносида шахмат усулида ишлаш агротехникажа қоидаларига мувофиқ ўтказилганидан кўчатлар нормал миқдорда бўлди, бир гектар ердан 38 центнердан ҳосил олинди. Лекин шахмат усулида чигит экиб, агротехника қоидаларига тўла риоя қилинмаган, букетлаш вақтида ба'зи хаталарга йўл қўйилган 10-нчи бригаданинг Султон Ўролов бошлиқ звеносида кўчатлар кам қолганидан 32 центнердан ҳосил олинди. Агар бу звенода ҳам шахмат усулида чигит экишнинг ва ишлашнинг агротехника қоидаларига тўла риоя қилинганда эди кўчатлар нобуд бўлмай пахтадан юқори ҳосил олинган бўларди.

Пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан чақирилган кенгашда шу усулни кенг қўлланган ва унинг агротехникасига ҳамавақт амал қилган колхоз, совхозларда олиб борилган ишларнинг яхши натижа бергани аниқ ма'лум бўлди.

Ўзимизда, торайтирилган қаторларга чигит экиб қилинган дастлабки тажриба, Тожикистонли ўртоқларнинг олиб борган самарали ишлари бизга катта сабоқ бўлди. Шунинг учун 1955 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил миқдорини яна ҳам ошириш мақсадида торайтирилган қаторларга чигит экишга биз алоҳида аҳамият берамиз. 1954 йилда 194 гектар ерга торайтирилган қаторга чигит экилган бўлса, 1955 йилда 600 гектарга етказишни мўлжаллаймоқдамиз. Бу факт янги, прогрессив усулларга колхозчиларни қанчалик қизиқиб, уни амалга ошириш учун интилаётганликларини кўрсатади.

Лекин янги метод блан чигит экишни муваффақиятли амалга ошириш техника воситаларининг тўхтовсиз ва самарали ишлашига, механизатор кадрларнинг тажрибали бўлишларига, колхозчиларнинг агротехника қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда ишлашларини та'минлашга боғлиқ. Айниқса сеялкалар, тракторлар, пахта териш машиналари шу торайтирилган қаторларда ишлаш учун мослаштирилган бўлиши шарт. Бу албатта МТС раҳбарларининг фаолиятига боғлиқ. Торайтирилган қаторларда ишлаш учун колхозчиларни, бригада, звено бошлиқларини, ҳосилот-советининг раисларини ҳозирдан бошлаб тайёрлаш зарур.

Торайтирилган қаторларга шахмат усулида чигит экиш баҳорда ғўзаларнинг бир текис униб чиқишига боғлиқ. Ғўза текис униб чиқмаса уяларда белгиланган миқдорда кўчат қолмайди. Ғўзанинг текис униб чиқишига эришиш учун кузги шудгорни ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Биз янги, прогрессив методларни дадиллик блан қўллаб, 1955 йилда юқори ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни ўз вақтида ва тўла амалга оширамиз.

Е. ВЕШИКОВ,
Верхне-волинск район, 1-нчи МТСнинг «Қизил Октябрь» колхозидаги давлат агрономи.

Қўчқорбойака тан берди

Майнинг шифобахш кунлари. Осмон тиниқ ва мусаффо. Қуёш нури тобора баракали иссиқлик ҳад'я қилабошлаган кезлар. Еппасига қўшқулоқ бўлиб унган ғўзалар пахтакорларга мўл ҳосилдан дарак бермоқда. Мўл ҳосил куртакларини кўриб деҳқонлар зўр ишонч, катта умидлар блан меҳнат қилмоқдалар.

Худди ана шу кезларда Қўчқорбой Маҳкамбоев бригадасига бирқанча одамлар келди. Улар орасида райком секретари, МТСнинг бош агрономи, колхоз раиси ва бошқалар бор эди. Далалар кўздан кечирилабошланди. Агрономлар, механизаторлар ишни чамалаб кўрдилар. Эгатлардаги қалин бўлиб чиққан ғўзалар ягана талаб бўлиб қолган эди.

Бу ғўзаларни аввалаб ундириб олгунча Қўчқорбой Маҳкамбоев ҳам, унинг звено бошлиғи Али Фозилов ҳам озмунча меҳнат сарфлагаилари йўқ. Ҳарбир туп ғўза улар учун қанчалик азиз. Улар бу ҳақда ўйлар эканлар, кўз олдиларидан ўтган йили кузда минерал, маҳаллий ўғит ташиш учун қанчалик уринганлари, зовур қазиганлари, баҳорнинг серёмгир кунларида чигит экиш учун ҳавонинг тинишини кутиб хуноб бўлиб ўтирганлари, хуллас деҳқончиликда қилинадиган барча икир-чикир ишлар бирма-бир ўтабошлади. Лекин мана шу барқ уриб ўсаётган ғўзаларга қарасалар, бир нафасда ўша югур-югурлар унутилар, ҳордиқлари чиқиб кетар, қувонч блан кулиб ҳам қўяр эдилар. Лекин ҳозир эса э'зозлаб ўстирган шу ғўзалар машина блан ягана қилинмоқчи. Келган одамлар эса машина блан ғўзаларнинг қандай ягана қилинишини кузатишмоқчи.

Шунча йил чигит экиб, чигит ундириб машина блан ягана қилишни сра-сра кўрмаган Қўчқорбойака ҳам, Али Фозилов ҳам қаттиқ ташвишга қолишган эди. Улар «шунча меҳнат қилиб, аваллаб ўстирган ғўзаларимиз бекорга нобуд бўлиб кетадими»... деб ўйлар эдилар. Қўчқорбойака ҳам, Али Фозилов ҳам бу ҳақда бировга бирнима демаган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг қиёфаларидан, «машинани овора қилишнинг нима кераги бор, ҳарқанча иш бўлса ўзимиз бажараоламиз, куч етарли» деган ма'нони англаб олиш мумкин эди.

Аммо агрономлар, райком секретари квадрат усулида чигит экишнинг а'лолиги ҳақида қайта-қайта гапирар, машина блан ягана қилиш кўп меҳнатни тежашлигини тушунтирар эдилар.

— Квадрат усулнинг фойдаси, — дерди 1-нчи МТСнинг шу колхоздаги агрономи Е. Вешиков,—кам меҳнат сарф қилиб, кўп ҳосил олишдан иборат. Бу усул блан бир йилнинг ўзидаёқ ҳосилни бирқанча центнерга кўпайтириш мумкин.

Тракторчи Василий Калиничев агрономнинг сўзини қувватлади:

— Гапнинг лўндаси шуки, меҳнатни тежаб ютасиз, ҳосилни ошириб яна ютасиз. Я'ни пахтакорга икки томонлама фойда...

Броқ бу гапларни Қўчқорбойакани эшитгуси ҳам келмаеди. Бу ерга йиғилганлар янги усулнинг қандай амалга оширилишини кўришга ошиқканлари сари, Қўчқорбойака блан Али Фазиловнинг безовталиги шунчалик ортаборарди.

Торайтирилган қаторларга квадрат усулида чигит экишнинг аҳамияти такрор-такрор айтилган сари, улар шунчалик хуноб бўлабошладилар. Ниҳоят, 1-нчи МТСнинг энг уста ва тажрибали механизаторларидан Василий Калиничев ишга отланди. Агрономларнинг кўрсатмаси бўйича ўз тракторини, ерни кўндалангига қараб ҳайдади. Буни кўрган Қўчқорбойака блан Али Фозилов тракторга ёпишиб олиб, уни тўхтатгуси келди. Ҳаяжон ичида уларнинг икки қошлари бир-бирига туташиб, пешоналари тиришди. Бирнафасда эгат устидаги яшнаб турган ёш ғўзаларнинг оқ томирлари кўринди, ер бетида чўзилиб қоларди. Келган одамлар ишни кузатар, ўзаро суҳбатлашар, ба'зан қизғин баҳслашиб кетар эдилар. Калиничевнинг трактори гувуллаб бир ме'ёрда ҳаракат қиларди. Лекин трактор юрган ерлар Қўчқорбойака блан Али Фозилов назарида гўё кўримсиз бўлиб кўринар эди. Улар трактор орқасидан кетабошладилар. Трактор юрган йўлларда юлиниб ташланган ғўзалардан бир дастасини йиғиб олиб, тез-тез юриб борар эдилар. Бирдам юргач, Қўчқорбойака блан Али Фозилов трактор бир қаторда қолдириб кетган ғўзаларни кўриб, тўхтаб қолдилар. Шу пайт улар бир-бирларига чеҳралари очилган ҳолда қарашиб олдилар ва яна ўринларидан туриб трактор орқасидан кетабошладилар.

— Ана, кўрдингизми, бу ғўзаларни қўл блан ягана қилишга қанча куч, қанча меҳнат кетар эди? — далда берди агроном.

Қўчқорбойака агрономнинг бу сўзини «тўғри» деб эмас, балки шуни ифода қиладиган бир ишлайиш блан қарши олди. Борабора Қўчқорбойака блан Али Фозиловдаги нохушлик, юзларидаги аламли излар йўқолиб бормоқда эди. Уларнинг қалбларида зўр катта умид ва ишонч янада ортаборди. Трактор ўтгач, 60х45 схемаси бўйича квадрат усулида уларда қолган ғўзалар «манаман» дегандай майин шабодада силкиниб турарди.

Шу кезларда қўшни бригадаларда ғўзалар қўл блан ягана қилинмоқда эди. Дастлабки кунларда квадрат усулида чигит экишнинг нималигини, эски усулга қараганда бу усулда чигит экишнинг афзаллигини тушунмаган Қўчқорбойаканинг кўзи секин-секин очилабошлади. Қўчқорбойаканинг бошқа звеноларида бир гектар ерни ягана қилиш учун 6,6 тадан меҳнат сарф қилинди, квадрат усулида чигит экилган Али Фозилов звеносида эса бир гектар ердаги ғўзаларни букетлаш учун 7 тадан меҳнат куни сарф қилинди. Ана шунда Қўчқорбойака ҳам, Али Фозилов ҳам «гап бу-ёқда экан-ку» дейишди.

Ҳаш-паш дегунча қатор ораларини ишлаш бошланиб кетди. Бошқа звеноларда тракторлар фақат узунасига қараб культивация қилса, Фозилов звеносида ҳам узунасига, ҳам кўндалангига юриб культивация қилабошлади. Буни кўриб бригада бошлиғи блан звено бошлиғи яна «ие, гап буёқда экан-ку, кетмон ҳам чиппакка чиқадиган бўлди-ю», дедилар.

Звеноларда ғўза чопиғи қизғин давом этарди. Ер кўп, куч кам. Иш жадал, улгуриш қийин. Бошқа звеноларда 1 гектар ерни ишлаш учун 58 тадан меҳнат куни сарфланди. Али Фозилов звеносида эса 1 гектар ердаги ғўза парвариши учун 28 тадан меҳнат куни сарф этилди. Чопиқнинг ўзида бирданига ҳар гектар ерда 30 тадан меҳнат куни тежалди. Ана шунда Қўчқорбойака ҳам, Али Фозилов ҳам қувониб кетдилар; «ҳамма гап буёқда экан-ку» дедилар.

Трактор блан ҳам бўйига, ҳам энига культивация қилиш кетмон чопиғига қараганда кўп даража сифатли эканини ғўзаларнинг ривожи, бўлиқлиги яққол кўрсатиб турарди. Ўша кезларда бригада бошлиғи ҳам, звено бошлиғи ҳам «нега кўпроқ ерга шу усулда чигит экмаган эканмиз...», деб пушаймон қилабошладилар.

Саратоннинг ҳароратли кунлари бошланди. Ғўзалар шоналади, шоналар гулга, гуллар бора-бора кўсакка айланди. Бўлиқ кўсаклар танасига сиғмай чаноқларни ёриб чиқабошлади. Кунлар ўтиши блан кенг ва бепоён пахта водилари оппоқ чаманга айланиб кетди. Деҳқонларнинг галвир кўтарадиган, жўжани санайдиган вақти ҳам етиб келди. Терим бошланди.

Колхозчилар пахтачиликда ҳамма давр ҳам бир-у, терим даври ҳам бир дейдилар. Бу албатта тўғри. Ёзи блан машиналарда эқилиб, машиналар блан ва қанча-қанча қўллар блан қилинган ҳалол меҳнат самараларини фақат қўл блан йиғиб-териб олиш осон эмас. Тракторлар ерларни қандай ҳайдаб берган, чигитларни қандай экиб берган, қолаберса, ғўза ораларини қандай ишлаб берган бўлса, пахта ҳосилини ҳам худди шундай жадал йиғиб олишимиз керак. Аммо ҳали ҳам «тракторлар еримизни ҳайдаб беради, ғўза ораларини ишлаб беради, лекин ҳосилни ўзимиз териб оламиз» дейдиган кишилар бор. Қўчқорбойака ўзининг баҳордаги хатосидан пушаймон бўлганидан пахта териш машинасига бундай муносабатда бўлмади, кузга келиб бундай хатога йўл қўймасликка ўринди. Машина ҳақида гап очилса, жон қулоғи блан тинглаб, ихлос блан уни қарши оладиган бўлди. Бригаданинг 40 процент пахтаси машина блан йиғиб олинди.

Олтин кузнинг қизғин кунлари, ҳамма пахта териш, ташиш, топшириш блан банд. Пахталар тарозига тушадиган, пучипучга, сараси-сарага ажраладиган, кимларнинг қўли баланд, кимлар сводкада кейинги ўринда қолаётган чоқлар. Шу кезларда Қўчқорбой Маҳкамбоев беҳад қувончларга тўлган ва бардам эди. У колхозда биринчи бўлиб галаба қозонди. Олдин план 100 процент бўлди. Бу пахталарнинг ҳаммаси отбор ва биринчи сортга ўтди. Ундан сўнг 110 процентга етди. Провардида план 125 процент қилиб адо этилди.

Аммо смета бўйича сарф этилиши лозим бўлган меҳнатдан бригадада 3778 меҳнат иқтисод қилиб қолинди. Айниқса Қўчқорбойака Али Фозиловнинг звеносидаги ишдан жуда хурсанд эди. Бригадада иқтисод қилинган меҳнатнинг кўп қисми шу звено ҳисобига бўлди. Ундан ташқари ҳар гектар ердан энг юқори—38 центнердан ҳосил олган ҳам шу звено бўлди. Али Фозилов юқори ҳосил етиштиришда ҳаммадан ўзиб кетди. Ўзи курашда бел олишмаган бўлса ҳам ҳосили зўр бўлгани учун «Али полвон» деб ном чиқарди. Бошқа звеноларга нисбатан бу звенода 1594 меҳнат кам сарф қилинди. Ана шу дамларда Қўчқорбойака блан Али Фозилов агрономларнинг, район раҳбарининг бу ҳақлаги сўзларини хотирлайдилар ва ўз-ўзларига «ўша вақтда тушинмаган эканмиз-да, ҳамма гап буёқда экан-ку» дер эдилар. Энди бўлса Қўчқорбойака блан Али Фозилов колхозда квадрат усулида чигит экиб, юқори ҳосил олишда тажриба ортдирдилар. Тўғри Қўчқорбойакани бундан илгари ҳам кўпчилик «тажрибали деҳқон» дерди. Чунки Қўчқорбойака Маҳкамбоевнинг бригадаси 12 йилдан бери муттасил пахта планини бажариб келарди. Лекин бу йил у ҳаммадан ошиб тушди. 1945 йилда ҳар гектар ердан 17 центнердан, 1951 йилда 23, 1953 йилда эса ҳар гектар ердан 24,5 центнердан ҳосил олгани учун уста пахтакор деб ном чиқарган эди. Бу йил эса бирданига ҳар гектар ердан ўтган йилдагига нисбатан 8,5 центнердан ортиқ ҳосил олиб, энг юқори кўрсаткичга эришди.

Мана бугун пахтачиликни янада ривожлантириш тадбирлари юзасидан чақирилган кенгаш Мурожаати муҳокама қилинаётган, 1955 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш тўғрисида режалар тузилаётган пайтда Қўчқорбойаканинг, унинг звено бошлиғи Али Фозиловнинг номлари ҳурмат блан тилга олинмоқда. Ҳамма уларга ҳавас блан қарамоқда. Ҳамма бир оғиздан «Қўчқорбойака, Али Фозиловларга ўхшаб меҳнат қилиш керак. Уларнинг бу йилги ажойиб иш тажрибалари ҳаммамизни қувонтирди. Биз ҳам энди улар сингари торайтирилган қаторларга квадрат усулида чигит экишни кўпроқ жорий қиламиз, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашамиз», демоқдалар.

Мана шу кунларда Қўчқорбойака блан Али Фозилов «ие гап буёқда экан, агрономларимиз, раҳбарларимиз бизга фақат муваффақият йўлини кўрсатиб берган эканлар. Энди кенг йўл очилди, ҳамма шу йўлдан юрабошлади» деб ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Қўчқорбойака агротехниканинг янги, прогрессив методининг афзаллигига энди тан берди.

Б. ХАЛИЛОВ.

Франция Миллат мажлисида

ПАРИЖ. 21 декабрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради. Гриннич вақти блан соат 14 дан 15 минут ўтганда Миллат мажлисида Париж битимлари ҳақида мунозаралар яна бошланди. Ёзилган қирқ нотиқдан биринчи бўлиб, генерал Омеран (мустақил республикачи) минбарга чиқди. У Париж битимларини жуда қат'ият блан қоралади. Париж битимлари, деди Омеран, Франция сиёсатининг оқибати эмас, балки Даллес сиёсатининг оқибатидир. Омеран ўз сўзининг охирида бундай деди: «Мен Германияни қуроллантириш масаласи устида узоқ ўйладим, чунки мен лун'ёни уруш драмасидан қандай йўл блан сақлаб қолиш кераклиги ҳақида узоқ фикр юритдим. Мен Миллат мажлисини ва'даларга ҳам, дўқларга ҳам учмасликка чақираман».

Генерал Омерандан кейин сўзга чиққан социал республикачи Лебон Париж битимлари муносабати блан ташвишланаётганлигини айтди. Нотиқнинг фикрича, бу битимларнинг хавфи шундан иборатки, бу битимлар, биринчидан, Германияни қуроллантиради, иккинчидан, улар «чегаралари қат'ий мустаҳкамланмаган давлатнинг бир қисми блан» музокаралар олиб боришни кўзда тутади.

Лебон уқтириб ўтдики, Совет Иттифоқи герман милитаризми хавфига қарши турмоқ учун Франциянинг табиий иттифоқдошидир.

Франция парламентининг энг кекса арбобларидан бири Жак Барду уқтириб ўтдики, Париж битимларининг ратификация қилиниши зўр бериб қуролланишга ва совуқ муносабатлар урушини кучайтиришга олиб келади.

«Биз, — деди Барду, — Франция территориясига уч марта бостириб кирган армиянинг тузилиши ҳақида Англия ва Американинг зўри блан қарор қабул қилишни истамаймиз».

Социал республикаси Жак Сустельнинг нутқида Франциянинг тақдири учун ташвиш баралла эшитилди. У айтдики, агар «Ғарбий Европа иттифоқи» тузилса бу иттифоқ фақат Америка ҳарбийларининг сиёсатига таянади.

Сустель делегатларнинг э'тиборини шу нарсага жалб қилдики, 16 декабрьда Франция ҳукуматига юборилган Совет нотаси «жиддий огоҳлантиришдир».

Депутатлардан Лигарэ (ЮДСР) ва социал республикачи Ноэльнинг нутқларида ҳам Париж битимлари ратификация қилиниши натижасида юз бериши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида ташвиш сезилиб турди. Гарчи Легарэ Париж битимларини фақат «Европа мудофаа бирлашмаси» тарафдорлари позициясидангина танқид қилган бўлса ҳам, унинг нутқида ана шундай ташвиш сезилиб турди. Париж битимлари, деди Ноэль, жуда кўп камчиликларни ўз ичига олдики, шу сабабдан бу битимлар жиддий ташвиш туғдирмай қолаолмайди.

Ноэль Германия проблемасини ҳал этиш ҳақида Совет Иттифоқи блан музокаралар олиб боришни таклиф қилди.

Шундан кейин мажлисда танаффус э'лон қилинди.

ПАРИЖ, 22 декабрь. (ТАСС). Франция Миллат мажлисининг кеча кечқурунги йиғилишида коммунист депутат Жак Дюклонинг нутқи муҳим воқиа бўлди. У, Париж битимларининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий нуқтаи назардан хавфли эканлигини та'рифлаб берди. Париж битимларининг ратификация қилиниши, деди у, миллатнинг вакиллари оллига Франциянинг истиқболи учун ва тинчликни сақлаш учун ғоят муҳим бўлган проблемаларни қўяди. Эҳтимол, француз депутатлари ҳечқачон мунчалик жиддий мас'улият олдида турган эмас эдилар. «Европа мудофаа бирлашмаси» Ғарбий Германияда янги вермахтни тиклашга олиб борар эди, шунинг учун «Европа мудофаа бирлашмаси» қораланди, шу сабабли унинг ўрнига праварди худди шу мақсадга олиб борадиган бошқа бирор проект илгари сурилмас деб ўйлаш мумкин эди. Броқ, АҚШ, Англия ҳукуматлари, шунингдек Аденауэр ва Мендес-Франс бошқача ўйладилар.

Дюкло айтдики, Париж битимларининг ратификация қилиниши Бонн қасосчиларининг чекланмаган равишда қуролланиши учун йўл очиб берган бўлур эди ва «контроль» деб аталган нарса ҳақидаги гап-сўзлар фақат жамоатчиликни алдашдан иборатдир. Биз ҳақли суратда та'кидлайоламизки, деди у, Париж битимларининг ратификация қилиниши Европада ва бутун дун'ёда уруш хавфини жиддий равишда кучайтиради. Расмий доиралар Париж битимлари имзоланишини оқлашга интилиб, агар Франция Ғарбий Германияни қуроллантиришга рози бўлмаса, у вақтда Ғарбий Германия Франциянинг иштирокисиз қуроллантирилади деб англатмоқчи бўлдилар. Биз бунга шундай деб жавоб берамиз: бу — нотўғри, чунки Франция тегишли ҳуқуқларга ва ҳуқуқларнинг ҳурмат қилиниши учун керакли бўлган воситаларга эгадир.

Дюкло уқтириб ўтдики, Франциянинг тузган халқаро битимлари, унинг географик аҳволи ва Франциянинг Германияда оккупация қилиб туручи давлат бўлганлиги унга герман милитаризмининг қайтадан тиклашига эффектив равишда қарши чиқиш имкониятини беради.

Дюкло «параллель музокаралар» ёки «зўровонлик позициясида туриб» музокаралар олиб бориш деб аталган масалага тўхталиб, бундай деди: СССР блан «зўровонлик позициясида туриб» музокаралар олиб бориш истагига келганда, бу ўтакетган ҳом хаёлдир. Чунки Париж битимлари ратификация қилинган тақдирда худди Америка қўллаб-қувватлаётган Аденауэр Мендес-Франсга нисбатан зўровонлик позициясига ўтади. Ана шунинг учун, Англияга назар солиб туриш керак эмас. Париж битимларини ратификация қилиш Франциянинг хавфсизлигига қарши ва тинчликка қарши қандай қўрқинчли оқибатларни туғдиражаги тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Дюкло Саар тўғрисидаги Француз-герман битимини қурол-яроғ сотучи савдогарлар ўртасидаги битим деб та'рифлаб ва Париж битимларини ратификация қилишни ёқлаб чиқаётган социалистик партия раҳбарларини жиддий мас'улият ҳақида огоҳлантириб, герман милитаризмини қайтадан тиклашга қарши француз халқи билдираётган норозиликка тўхтади. Париж битимларини ратификация қилиш керак эмас, деди у, музокаралар олиб бориш керак — Франция халқи ана шуни истайди.

Сўнгра Морис Шуманга (МРП) сўз берилди. У, Париж битимларини рад этилган «Европа мудофаа бирлашмаси» тарафдорлари позициясидан туриб танқид қилди. У Париж битимлари жамоатчиликнинг ма'куллашига сазовор бўлаоладиган битимлар эмас, деб э'тироф қилишга мажбур бўлди. Шуман Американинг маш'ум «гарантиялари»га ишончсизлик блан қараганлигини айтди. Шуманнинг нутқидан ма'лум бўлишича, «Европа мудофаа бирлашмаси» блан Париж битимлари ўртасида принцип жиҳатидан тафовут йўқ. Морис Шуман Мендес-Франсга мурожаат қилиб, бизларни бирлаштираётган нарсага қараганда, бизларни бир-биримиздан ажратаётган нарса айтарлик даражада муҳим эмас, деди.

Кечаги мажлис охирида радикал Морис Фор гапирди. У шундай деб да'во қилдики, Бонн Германиясини қуроллантириш муқаррар эмиш, чунки АҚШ ва Англия гўё «Франция учун АҚШ блан Англиянинг шартларига рози бўлишдан бошқа имконият қолдирмаганлар эмиш, бу шартлардан биринчиси Германиянинг Шимолий Атлантик иттифоқига киришидир».

ПАРИЖ, 22 декабрь. (ТАСС). Миллат мажлисининг бугун эрталабки йиғилишида Париж битимлари юзасидан мунозаралар давом этди.

Социалист Жюль Мокнинг нутқи катта ўрин олди. У, Совет Иттифоқининг «агрессивлиги» ҳақидаги маш'ум тезисни қат'ий равишда рад этиб, СССР тинч қурилишга, кенг исте'мол моллари ишлаб чиқаришга ўз э'тиборини бераётир деб ва кейинги йил ичида Совет Иттифоқи ўз ҳарбий бюджетини анча камайтирди деб уқтириб ўтди.

Мок кейинги вақтда халқаро вазиятни бирмунча юмшатиш перспективалари вужудга келганлигини қайд қилиб, Париж битимларининг ратификация қилиниши бунга барҳам беради деб, зўр бериб қуролланишни кучайтиради деб ташвишланганлигини айтди. У атом урушининг хавфли эканлигини, айниқса Франция учун хавфли эканлигини, депутатларга эслатиб ўтди ва бунлай шароитда халқларнинг хавфсизлигини та'минлайдиган бирдан-бир гарантия ялпи ва контроль остида қуролсизланишдан иборат деб уқтириб ўтди.

Мок Париж битимларини танқид қилиши блан бир қаторда, Франция парламентининг бу битимларни ратификация қилишдан бош тортишининг «бирмунча хавфи» бор деб кўрсатишга интилди.

Жюль Мокдан кейин сўзга чиққан министрлар совети раиси Мендес-Франс парламент депутатларини Париж битимларини ратификация қилишга кўндирмоқчи бўлиб уринди, Париж битимлари ратификация қилинган тақдирда май ойида тўрт давлат кенгашини чақириш ҳақидаги таклифини яна асоссиз равишда пеш қилди.

Сўнгра социалист Жерар Жакэга сўз берилди. У, гарчи герман армиясининг ва немис генерал штабининг қайтадан тиклаиниши муносабати блан ташвишланганлигини биллирса ҳам, Париж битимларини ҳимоя қилиб гапирди.

Шундан кейин маҳаллий вақт блан соат 15 гача танаффус э'лон қилинди.

Умумий мунозаралар дастлабки бирярим кунининг характерли хусусияти шундан иборатки, бирор депутат ҳам герман милитаризмини қайтадан тиклаш идеясини ҳечбир шарт-писандасиз ҳимоя қилишга хозирча жур'ат этаолмади. Ҳатто Париж битимларини ратификация қилишни ёқлаб чиқаётган кишилар ҳам герман вермахтининг адвокати бўлишдан иборат ўз позициясини ниқоблаш учун ҳархил йўлларни қидирмоқдалар ва Париж битимларини ратификация қилиш учун «писандалар» қўйишга интилмоқдалар.

ПАРИЖ, 22 декабрь. (ТАСС). Франс-Пресс агентлигининг хабарига қараганда, бугун маҳаллий вақт блан соат 15 да Миллат мажлисида Париж битимлари ҳақида мунозаралар яна бошланган. Биринчи бўлиб Европа мудофаа бирлашмасининг ашаддий тарафдорларидан бири бўлган Тетжен (МРП) сўзга чиққан.

Англия умум палатасида

ЛОНДОН, 22 декабрь. (ТАСС). Американинг Англиядаги самолётлари атом бомбалари блан та'минланганлиги яқинда ма'лум бўлиб қолди. Шу муносабат блан парламентнинг лейборист а'золари умум палатасида 1948 йилги битимни қайтадан кўриб чиқишни талаб этдилар. Бу битим Қўшма Штатларга Англияда ўзининг авиация базаларига эга бўлиш ҳуқуқини беради.

Пресс Ассошиэйшн агентлигининг билдиришича, лейборист Барбара Касл бу масалани кўтарган. У дедики, ўтган ҳафтада Шимолий Атлантик иттифоқи кенгашининг сессияси мазкур иттифоқнинг планлари келгуси урушда атом қуроли автоматик равишда қўлланилади деган тахминларга асосланганлигини та'кидлади. Касл бундай деди: «Бунинг ма'носи шуки, уруш э'лон қилинса, бу уруш Америкининг Англиядаги стратегик авиациясидан фойдаланиш йўли блан кенг миқ'ёсда олиб бориладиган муқаррар атом уруши бўлади. Ана шу фактни ва 1948 йилда мазкур битим имзоланганидан буён рўй берган ўзгаришларни э'тиборга олиб, бош министр манфаатдор давлатлар — Шимолий Атлантик иттифоқи а'золари ўртасида тўла сиёсий контрольни та'минлайдиган консультатив механизмни вужудга келтириш учун қандай планлар борлигини айтиб бераолмайдими?»

Черчилль бунга жавобан мазкур масала юзасидан умум палатасида ба'зи нарсалар тўғрисида ма'лумот бераолажагини, аммо, бунга қўшимча савол юзасидан жавоб қайтариш тартибида жавоб бермаслигини айтди.

Лейборист Эмрис Хьюз бундай деди: «Манчестер гардиан» газетасининг 21 декабрьда чиққан сонидаги хабарда айтилишича, эҳтимол тутилган урушнинг дастлабки 30 соати мобайнида Англия йўқ қилиб юборилиши мумкин. Хьюз, Қўшма Штатларнинг Англияда авиация базаларига эга бўлишига имкон берадиган битим Англиянинг хавфсизлигини оширмайди, балки камайтиради, деди. У, мазкур битимни қайтадан кўриб чиқишни таклиф этди.

Черчилль бундай деб жавоб қайтарди: «Бу масалалар доим жиддий суратда қараб чиқилмаётир ва ўрганилмаётир деб ўйласлигингиз керак. Менинг фикримча, бу ҳар икки палатадаги мас'ул вакилларнинг фикрини банд қилаётган асосий масаладир. Аҳвол қандай эканлиги ҳаммага ма'лум, аммо бу аҳволни қандай тузатиш ёки йўқотиш мумкин эканлигини ҳал этиш осон эмас».

ЛОНДОН, 22 декабрь. (ТАСС). Парламентнинг расмий ҳисоботига қараганда, парламентнинг лейборист а'золаридан бирнеча киши 20 декабрьда умум палатасида бир масалани, я'ни тажриба йўсинида ўтказилган атом портлашларининг оқибатлари тўғрисида масалани ўртага қўйган.

В. Коллинс бундай деб савол берган: Водород бомбаларни синаб кўриш кишилар, жониворлар ва ўсимликларнинг ҳаётига жуда зарарли та'сир кўрсатаётганлигини исбот этучи янги далиллар олинаётганлиги муносабати блан ташқи ишлар министри водород бомбаларни синаб кўришни тақиқлашга эришиш мақсадида манфаатдор давлатларга таклиф киритмайдими.

Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Тэртон бу саволга рад жавобини берганидан кейин, Коллинс бундай деган: Ташқи ишлар министрининг ўринбосари хукуматнинг ана шу қирғинни тўхтатиш учун бирор чора кўришини одамларнинг кутиб туришга ҳақи борлигини тушунмайдими, ахир?

Лейборист Бленкинсоп Бирлашган Миллатларнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари блан шуғулланучи ташкилотидан ва согликни сақлаш масалалари блан шуғулланучи жаҳон ташкилотидан ядро портлаганида унинг ўсимликлар ҳаётига, озиқ-овқат ресурсларига ва одамнинг соглигига қандай та'сир кўрсатишини сўраб билиш ҳақида Англиянинг БМТдаги вакилига кўрсатма беришни Тэртондан илтимос қилди.

Лейборист Соренсен атомни парчалаш соҳасидаги тажрибаларнинг шундай тажрибаларни ўтказучи кишиларга ва умуман аҳолига та'сирини ўрганишни сўраб, мазкур жаҳон ташкилотига, я'ни согликни сақлаш масалалари блан шуғулланучи жаҳон ташкилотига мурожаат қилишни таклиф этди.

Тэртон, мазкур жаҳон ташкилотига мурожаат қилишдан бош тортди, бундай масалалар олимларнинг атом энергияси масалалари блан шуғулланучи халқаро конференциясида муҳокама қилинади.

Лейборист Элвин Жонс ядро қуролидан фойдаланиш қонунга мувофиқлиги ё йўқлиги тўғрисидаги масалани халқаро судга ҳавола қилиб бўлмайдими, деб сўради.

Тэртон бу саволга ҳечқандай жавоб қайтармади.

УМУМ ПАЛАТАСИДА БЕРИЛГАН САВОЛГА ЧЕРЧИЛЛНИНГ ЖАВОБИ

ЛОНДОН, 22 декабрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги билдиради:

Черчилль 21 декабрьда умум палатасида берилган саволга жавоб қайтариб айтдики, Англия ҳукумати Англия территориясидаги ҳаво базаларидан Қўшма Штатларнинг фойдаланиши тўғрисида 1948 йилда тузилган Англия-Америка битимига аввалгидек ҳозирда ҳам амал қилади.

Германия Демократик Республикаси ички ишлар министрлигининг ахбороти

БЕРЛИН, 22 декабрь. (ТАСС). АДН агентлиги бугун ГДР ички ишлар министрлигининг қуйидаги ахборотини билдирди:

1954 йил 16 декабрьда «Бланк идораси» разведка бўлимининг собиқ раҳбари Фридрих Гейнц ва «Блак идораси» ғарбий Берлин разведка бўлимининг собиқ раҳбари Якоб Кольб Берлининг демократик секторига келдилар. Улар Германия Демократик Республикасининг давлат органларига мурожаат қилиб, ўзларига бошпана берилишини илтимос қилдилар. Шу блан бирга улар «Бланк идораси» махфий бўлимининг ва Геленжосуслик ташкилотининг фаолияти ҳақида бирқанча ҳужжатларни топширдилар.

Улар бошпана берилиши ҳақидаги илтимосларига ўзларининг бундан буён Аденауэр сиёсатига қўшилмаганликларини ва шунинг учун та'қиб қилинаётганликларини сабаб қилиб кўрсатдилар.

Германия Демократик Республикасининг органлари мазкур шахсларнинг илтимосини кўриб чиқиб, Кольбага бошпана бердилар. Гейнцга келганда, унга ГДРда бошпана берилмади, чунки у герман давлат арбоби Эрцбергерга ва Беймар республикасининг собиқ ташқи ишлар министри Ратенауга суиқасд қилишни тайёрлашда қатнашган.

Ўрта Осиё ипакчилик илмий текшириш институти ипак қуртларининг янги зотларини чиқариш блан бир вақтда тут дарахтининг янги турларини етиштириш соҳасида ҳам катта ишлар олиб бормоқда. Ҳозир тут селекцияси лабораториясида тутнинг серҳосил нав'лари текширишдан ўтмоқда.

Суратда: аспирант **И. Грябин** тут баргининг химик таркибини анализ қилмоқда. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОҒЛОМ ТУРМУШГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

И. В. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг Маданият саройи Мирзачўл шаҳар Маданият ўйини оталикка олган. Бу икки маданий муассаса ўртасидаги ҳамкорлик ижобий натижалар бермоқда. Тошкент тўқимачилари у ерга бориб тез-тез спектакль ва концертлар қўйиб берадилар. Маданият ўйидаги бадиий ҳаваскорлар тўгараги ишини жонлантиришга ёрдам кўрсатадилар.

Яқинда Мирзачўл шаҳар Маданият ўйида тўқимачилар Маданият саройи ходимларининг ташаббуси блан соглом турмушга бағишланган «Фамилияларини айтиб, юракдан гапиришамиз» деган темада навбатдаги кеча ўтказилди. Кечага шаҳарнинг ишчи-хизматчилари, колхозчилар, МТС механизаторлари қатнашдилар. Бунда республика нерв-психиатрия диспансерининг врач-нервопотологи Н. В. Нехорошев соглом турмуш ҳақида кириш нутқи сўзлади. Сўнгра тўқимачилар Маданият саройининг директори В. А. Дородний «Совет кишисининг гўзаллиги нимада?» деган темада доклад қилди. У соглом турмуш учун курашнинг аҳамияти ҳақида гапирди ҳамда ўзларининг меҳнат процесси ва турмушдаги хулқлари блан жамоатчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган совет кишиларини мисолга келтирди.

Маданият ўйининг фойэсига қўйилган «Фамилияларини айтиб» шиори остидаги карикатураларда ичкиликбозлик ва безорилик йўлига кирган ёш йигитларнинг нотўғри йўлга кириб кетаётганликлари қораланган.

Кеча охирида қисқаметражли илмий-оммабоп фильмлар кўрсатилди. Шаҳар меҳнаткашлари кечадан жуда мамнун бўлдилар.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

ХРОНИКА

Ўртоқ Н. А. Муҳитдинов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1954 йил 22 декабрьдаги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинланганлигни муносабати блан, у Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинди.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ва Тошкентда ҳавонинг очиқ бўлиши кутилади. Температура 8—10 даражa иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/XII да **Юрак сирлари**, 25/XIIда **Оғриқ тишлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА — 27/XII да **Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигига бағишланган концерт.** Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Фотима Борухова, Маҳмуджон Ғафуров,** ёшлар Жаҳон фестивали лауреати **Ҳалима Комилова** ва филармония солистлари қатнашади. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси улуғ халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигига бағишланган хитой кинофильмлари фестивали:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ШУҲРАТ», КОММУНА УИИ — 24, 25/XII да янги хитой бадиий фильми **Аждар мўйлови.**

СОБИР РАҲИМОВ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» 25/XII да янги хитой бадиий фильми **Шошилинч хат.**

НАВОИЙ номли — 24/XII гача кеч соат 5 да: илмий-оммабоп фильмлар: **1) Заҳарли илонлар. 2) Дўстларнинг спортда учрашуви.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 30 декабрьгача ҳар куни — **Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигига бағишланган катта байрам тамошалари.** Циркнинг бутун труппаси қатнашади. Программада: юбилейга бағишланган янги номерлар ва янги иллюзион аттракцион.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ

Покистон пахтакорларининг аҳволи

Газетхонлардан И. Абдураззоқов (Тошкент), Қ. Юсупов (Чиноз райони) ва М. Раҳматова (Янгийўл райони) ўртоқлар Покистон пахтакорларининг аҳволи ҳақида ма'лумот беришни сўраганлар. Биз бу ўртоқларга жавоб қайтардик.

Ҳиндистон меҳнаткашларининг миллий-озодлик ҳаракати иккинчи жаҳон урушидан кейин кучайиб кетди. Бундан таҳликага тушган инглиз империалистлари Ҳиндистонда ўз позицияларини сақлаб қолиш мақсадида 1947 йил август ойида мамлакатни икки қисмга — Ҳиндистон ва Покистонга ажратиб юбордилар.

Ма'лумки, Ҳиндистон диний принцип асосида бўлинди. Бунда ҳечқандай иқтисодий ва бошқа факторлар ҳисобга олинмади, бу эса мамлакатнинг хўжалик жиҳатидан бирлигини бузиб юборди ва янги ташкил топган давлатларнинг мустақил ривожланишлари учун жуда катта қийинчиликлар келтириб чиқарди. Шундан кейин Покистон айниқса ноқулай аҳволда қолди, чунки Покистонга асосан қишлоқ хўжалик районлари ва бутун Ҳиндистон саноатининг 10 процента ўтди. Бўлиниш Ҳиндистон тўқимачилик саноатига айниқса ёмон та'сир кўрсатди, чунки пахта базалари пахта тозалаш заводларидан ажралиб қолдилар. Покистон бутун Ҳиндистоннинг 30 процент пахтасини етказиб беришига қарамасдан, унинг территориясида 20 га яқин чит фабрикалари бор, ваҳоланки бутун Ҳиндистон территориясида бунлай фабрикаларнинг сони 492 тадир.

Ҳиндистон территориясининг бўлиниб кетиши натижасида Покистон экономикасининг биртомонламалиги доимий бўлиб қолди, бунинг натижасида Покистон Англияга қарам бўлган аграр мамлакатлигича қолаверди.

Максимал фойда олиш учун ҳаракат қилаётган Англия монополистлари Покистоннинг иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакат бўлиб қолишини истайдилар. Улар турли йўллар блан Покистонда ишлабчиқариш кучларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқдалар, феодализмнинг қолдиқларини ҳартомонлама қўллаб-қувватламоқдалар, мамлакатнинг моддий ресурсларидан йиртқичларча фойдаланмоқдалар ва аҳолини эксплуатация қилмоқдалар.

Амалда инглиз империалистларига қарам бўлиб қолган Покистон меҳнаткашлари кун сайин қаттиқроқ эксплуатация қилинмоқда. Покистон деҳқонларининг турмуши айниқса оғирдир.

Покистондаги барча ерларнинг 70 проценти йирик помешчиклар қўлидадир, қолган қисми ўрта ва майда помешчикларга ва қисман давлатга ҳамда храмларга тегишлидир. Юз мингларча деҳқон оилалари ерга эга бўлмаганликлари учун, ерни помешчикдан оғир шартлар асосида ижарага олишга мажбурдирлар.

Покистон помешчиклари одатда, ўз хўжаликларини ўзлари юритмайдилар, балки ерни кўпсонли воситачи ижарачилар орқали деҳқонларга ижарага берадилар. Деҳқонлар ба'зан ерни 8—10 воситачи орқали ижарага олишга мажбур бўладилар. Ернинг қўлдан-қўлга ўтиши натижасида ижара ҳақи деҳқон йиғиб оладиган ҳосилнинг тўртдан уч қисмигача бориб етади. Деҳқонлар ижара ҳақидан ташқари, ўз ҳосилларининг бир қисмини омочдан, иш ҳайвонларидан фойдаланганликлари учун ва сув ҳақи сифатида помешчикка беришга мажбурдирлар. Ҳосилнинг қолган қисми уларнинг келгуси мавсумгача яшашлари учун етмайди. Шунинг натижасида деҳқон қишлоқ судхўрига қарз сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлади. Судхўр берган қарзи учун жуда катта процент талаб қилади. Покистондаги барча деҳқонларнинг 3/4 қисми судхўрлардан доим қарздордир. Шуни ҳам айтиш керакки, кўп деҳқонларнинг бу қарзни узишга кучи етмайди ва қарз наслдан-наслга ўтказилади. Ба'зи ма'лумотларга қараганда, 1947 йилда Покистон деҳқонларининг умумий қарзи 300 миллион рупига тенг бўлган.

Судхўрлик асорати Покистоннинг пахтачилик районларида айниқса кучли бўлиб, Покистон пахтакорларининг турмуши бошқа деҳқонларнинг турмушига қараганда оғирдир.

Инглиз монополистлари Покистон бозорида хўжайинлик қиладилар ва мамлакат экспортининг 60 процента устидан назорат ўрнатганлар. Улар маҳаллий аҳолидан пахтани шундай арзон баҳода сотиб оладиларки, деҳқоннинг пахта сотиб тўплаган пули жуда тежаб сарфлаганда ҳам 3—4 ойга зўрга етади. Деҳқон солиқ тўлаш учун, уруғ сотиб олиш учун ҳам судхўрга мурожаат қилади ва шу блан унга қарам бўлиб қолади.

Пахтанинг жаҳон бозоридаги нархи тез-тез ўзгариб туриши, майда деҳқон хўжаликларида кўпинча ҳосилнинг бўлмаслиги, шунингдек камбағал деҳқонлар ўртасида очарчиликнинг тез-тез бўлиб туриши натижасида деҳқонлар судхўрлардан кўпроқ қарз олиб янада қаттиқроқ зулм остига тушиб қолмоқдалар. Судхўрлар ўз берган қарзларининг проценти ҳисобига деҳқонларни текинга ишлатадилар. Бу эса пахтакорни батракка айлантиради. Деҳқон судхўрдан олган қарзини ўз вақтида тўлайолмагани учун унинг ери судхўрнинг қўлига ўтиб кетади.

Ўз-ўзидан ма'лумки деҳқонлар ўз экин майдонларида агротехника қоидаларидан ва агрохимия усулларидан фойдаланмайдилар. Покистон пахтакорларининг асосий қуроли омочдир. Кўпинча пахтакорлар омочга ўзлари қўшилиб ер ҳайдайдилар. Пахтачилик хўжаликларининг кўпчилиги ўз участкаларига хоҳлаган вақтларида истаган экинларини экиш ва минерал ўғитлардан фойдаланиш имкониятига эга эмасдирлар. Улар ҳатто гўнгдан ҳам фойдаланаолмайдилар, чунки гўнг қишлоқларда ёқилғи сифатида ишлатилади.

Покистон пахтакорлари учун сув ҳал қилиб бўлмайдиган проблемадир. Пахта майдонларининг 98 процента Синд ва Панжобнинг қурғоқчилик районларида жойлашгандир. Бу ерларнинг фақат 9 процентигина суғорилади. Бу районларда катта суғориш иншоотлари бўлганига қарамасдан, бу иншоотларни курган инглиз монополистлари сув учун жуда катта ҳақ талаб қиладилар. Давлат каналларидан фақат йирик пахта плантациялари фойдаланадилар, бу плантациялар асосан инглиз капитали қўлидадир. Деҳқонларнинг асосий қисми ўз ерларини суғоришда жуда ибтидоий усуллардан фойдаланадилар. Сув тошқини ва сел вақтида сувни махсус каналларга ва кўлларга йиғиб олиб, ўз ерларини шу сувлар блан суғорадилар. Сув кам бўлган йиллари деҳқонлар помешчик ерларидаги сувдан фойдаланишга мажбурдирлар. Бунда улар помешчикка жуда катта ҳақ тўлашлари керак.

Ернинг кучи жуда кетиб қолганлиги, сувнинг етишмаслиги, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган қуролларнинг ибтидоий бўлиши натижасида пахтанинг ҳосили борган сари камайиб кетмоқда. Покистонда пахта ҳосили дун'ёда энг паст ҳосил ҳисобланади. Пахта ҳосилдорлигининг йилдан-йилга камайиб бориши пахтакорлар моддий аҳволини янада оғирлаштирмоқда.

Бейнинги икки йил ичида дун'ё бозорида савдо депрессиясининг кучайиши натижасида пахтанинг нархи тушиб кетди. Покистон молия министрининг айтишича, 1953 йил март ойигача пахта ва бошқа экспорт товарларининг нархи деярли икки марта камайган, шу вақтнинг ўзида мамлакатда озиқ-овқат қийинчилигининг вужудга келиши натижасида озиқ-овқат молларининг нархи анча ошган. Масалан, Синдда озиқ-овқат молларининг нархи уч-тўрт марта кўтарилиб, пахтанинг нархидан бирнеча марта ошиб кетган. Мамлакатнинг кўп районларида очарчилик ҳукм сурмоқда. Бунинг натижасида ҳукумат кўп жойларда озиқ-овқат молларини норма блан беришни жорий қилди. Деҳқонларнинг харидорлик қобиляитлари шунчалик пастки, ҳатто норма бўйича белгиланган озиқ-овқатни сотиб олишга ҳам қурблари етмайди.

Покистон пахтакорларидан йиғиб олинадиган солиқлар уларнинг аҳволини янада оғирлаштириб юбормоқда. Покистон ҳукмрон доираларининг америка-инглиз урушоловини ёқучилари манфаатларини кўзлаб олиб бораётган сиёсати натижасида бу солиқлар йил сайин ошиб бормоқда. Покистон ҳукумати ҳар йили мамлакат бюджетининг 75 процентини ҳарбий харажатларга ажратади.

Империалистларга сотилган Покистон ҳукуматининг жиноятқорона сиёсати натижасида мамлакат меҳнаткашлари жуда ҳам қашшоқ ҳаёт кечирмоқдалар. Ҳозирги вақтда 30 миллиондан кўпроқ ерсиз деҳқонлар бор. Ерсиз деҳқонларнинг кўпчилиги қишлоқдан иш тополмай гадойлик қилмоқдалар ва очликдан ўлиб кетмоқдалар.

Доимо оч ҳолда бўлиш, оғир турмуш шароити деҳқонлар ўртасида касалликнинг ва ўлимнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ аҳолиси ўртасида сил, безгак, трахома, венерик касалликлар кенг тарқалган. Бу касалликларга қарши деярлик ҳечқандай кураш олиб борилмаётир.

Оғир турмуш шароити, машаққатли меҳнат Покистон меҳнаткашларининг умрини қисқа қилмоқда. Покистон экономистларининг ма'лумотига қараганда, покистонлилар ўрта ҳисобда 22—23 йил умр кўрадилар.

Покистонда хотин-қизлар ва болалар меҳнатини эксплуатация қилиш кенг авж олган. Хотин-қизларга одатда эркакларга қараганда бирярим-икки марта кам ҳақ тўланади. Покистонли бир экономистнинг айтишича, болаларнинг 50 процента 5 ёшга кирмасдан ўлиб кетадилар. Покистонда болалар медицина муассасалари деярлик йўқ. Покистоннинг 20 миллион аҳоли яшайдиган асосий пахтакор райони бўлган ғарбий Панжобда бор-йўғи 3 та туғруқхона бўлиб, уларнинг ҳам иккитаси хусусийдир. Бу туғруқхоналарда хизмат ҳақи жуда қиммат бўлгани учун, улар хизматидан фақат бойларгина фойдаланадилар.

Четэл ва маҳаллий золимларнинг қаттиқ эксплуатациясига қарши халқ оммасининг қаршилиги ўсиб бормоқда. Мамлакат меҳнаткашлари империалист йиртқичларнинг хўжайинлигига қарши, Покистоннинг уруш оловини ёқучилар блокига қўшилишига қарши, тинчлик учун, СССР ва халқ демократияси мамлакатлари блан дўстлик муносабатлари ўрнатиш учун курашмоқдалар. Ҳуқуксизликдан қутулишга интилаётган Покистон деҳқонлари ишчилар синфи ва коммунистик партия раҳбарлиги остида борган сари активроқ кураш олиб бормоқдалар.

М. СОБИТОВА.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими—135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 07628. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1585.